

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

11/2020

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Хуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджсан КАМИЛОВ
Робахон МАҲМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Акмал МУРОДОВ
Шахноза АХАТОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ

⑤ Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўллўзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 0026-рақам билан рўйхатта олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош мухаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИКОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган хукукий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-й
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz
Веб-сайт: www.odilsudlov.sud.uz

Босишига 2020 йил 25 ноябрда руҳсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьтерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –53.
Нашр адади нусха.

Навбатчи мухаррир
Муталиф СОДИКОВ

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун – 908;
ташиклотлар учун – 909.

Сотувда келишилган нархда

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100 139,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-дача, 17-үй

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

О. Нормахматов. Суд қарорларини ўзгартириш ва бекор қилиш асослари ҳамда тартиби.....	3
Н. Хайриев. Биринчи инстанция суд мажлиси мухокамасини бошлаш муддатининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили.....	7

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

М. Усмонов. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг роли.12	
--	--

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖАРАЁН

У.Ахмедов. Маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тӯғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар, далиллар ва уларга баҳо бериш.....	16
--	----

СОЛИҚ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

Р. Бердияров. Солик органларининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топишнинг асослари ва тартиби.....	19
--	----

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

С. Жўрабоев. Фуқаролик ишларининг судларга тааллуқлилиги.....	25
--	----

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

О. Дадаходжаев. Курилиш пурдати шартномасининг ўзига хос хусусиятлари.....	28
---	----

ЗАРАР ВА МАЖБУРИЯТ

Ш. Муродуллоева. Зарап етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар.....	33
--	----

МУНОСАБАТ

М. Қаландарова. Давлат харидлари ва давлат-хусусий шериклик институтларининг ўзаро алоқадорлиги.....	36
---	----

ЖАРАЁН

Қ. Умидуллаев. Ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари фаолиятини рейтинг баҳолаш тизими.....	41
---	----

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

Ф. Маликов. Ўзбекистонда низоларни муқобил ҳал қилиш усуслари.....	46
У. Эрназаров. Суд экспертларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг айrim жиҳатлари.....	49

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....

79



СУД ҚАРОРЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ ҲАМДА ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги назарда тутилган.

Судлар зиммасига юқлатилган одил судловни амалга ошириш ваколати судлар томонидан чиқариладиган суд ҳужжатларида намоён бўлади. Одил судловни таъминлаш кафолати саналган ушбу қонун нормаси амалдаги Жиноят-процессуал кодекси(ЖПК)нинг 478-моддасида аник белгилаб қўйилган. Ушбу моддага муовфик суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилган ишлар юзасидан чиқарилган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари ЖПКнинг 55-бобида назарда тутилган бўлиб, унга кўра ишни юқори инстанция суди томонидан кўриш:

апелляция тартибида – маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакилининг суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан; фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва улар вакилларининг ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан; оқлан-

ган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилининг ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан ҳамда ишда тараф бўлмаган шахсларнинг суд ҳукмининг ўз хуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан берган шикоятлари, прокурор ва унинг ўринbosарининг протестига биноан;

кассация тартибида – суднинг қонуний кучга кирган ҳукми устидан маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакилининг; фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва улар вакилларининг ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан; оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилининг ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан ҳамда ишда тараф бўлмаган шахсларнинг суд ҳукмининг ўз хуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан берган шикоятларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринbosарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кассация тартибида келтирган протестларига биноан;

назорат тартибида – Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки уларнинг ўринbosарлари протестларига биноан, янги очилган ҳолатлар муносабати билан эса Ўзбекистон

Республикаси Баш прокурори ёки унинг ўринбосари протести, шунингдек юқорида назарда тутилган шахсларнинг шикоятлари бўйича амалга оширилади.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди қуий инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари қанчалик тўғри аниқланганлигини, жиноят ва жиноят-процессуал қонуни нормалари қанчалик тўғри қўлланилганлигини текширади.

Юқори инстанция суди, агар чиқарилган суд қарори моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, уни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида ажрим, қарор қабул қиласди. Суд қарори ўзгаришсиз қолдирилганида юқори инстанция суди ЖПК 533-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида кўрсатилган асос мавжуд бўлганда, ҳукм ижросини кечикиришга ҳамда амнистия актини қўллашга ҳақли.

ЖПКнинг 484-моддасида ҳукм бекор қилиниши ва ўзгарилиши учун умумий асослар белгиланган бўлиб, унга мувофиқ:

суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги;

ҳукмда баён қилинган суд хulosалиари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

ушбу Кодекс нормаларининг жиддий бузилганлиги;

Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги;

жазонинг адолатсизлиги суд қарорларининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида бекор қилинишига ёки ўзгарилишига асос бўлади.

Суд ишни апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилишга ва оқлов ҳукми чиқаришга;

биринчи инстанция судининг оқлов ҳукмини бекор қилишга ва айблов ҳукми чиқаришга;

биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилишга ва ишни тугатишга;

биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришишга, шу жумладан, айблов ҳажмини, жиноятнинг тавсифланишини ўзгаришишга, жазони енгиллаштиришга ёки кучайтиришга, шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли.

Суд ишни назорат тартибида кўриб чиқиб, ўзининг ажрими, қарори билан:

ҳукмни, ажримни, қарорни ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

ажримни, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш учун юборишга;

ҳукмни, ажримни, қарорни бекор қилишга ва ишни тугатишга;

ҳукмни, ажримни, қарорни ўзгаришишга ҳақлидир.

Ишни назорат тартибида кўриб чиқаётган суд олдинги ҳукм ёки ажрим асоссиз равишда бекор қилинган ёки ўзгарилиган, апелляция, кассация ёки назорат тартибида ишни кўриш чоғида қонуннинг бузилишига йўл қўйилган ва бу ажрим ёки қарорни тўғри чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин эди деб эътироф этган тақдирда, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримлари, назорат инстанцияси судининг ажримлари ва қарорлари ҳам бекор қилиниши ёки ўзгарилиши лозим.

Суд назорат тартибида чиқарилган ажрим ёки қарорни бекор қилар экан, биринчи инстанция судининг ҳукмини ва апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримини ўзгаришишлар билан ёки ўзгаришсиз ўз кучида қолдиришга ҳақлидир.

Қонун талабига кўра, апелляция, кассация инстанцияси судлари тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказишга, ҳукмни бекор қилишга ва янги ҳукм чиқаришга ёхуд ҳукмга ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

Назорат инстанцияси суди эса, жиноят ишини назорат тартибида кўриб қисман суд тергови ўтказиш йўли билан камчиликларни тўлдириш ёки аниқланган камчиликларни ёхуд процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлмаган тақдирда, апелляция ёки кассация ажримини бекор қиласди, шунингдек агар кейин суд ажримлари, қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қиласди ва ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга ўтказиши мумкин.

Шунингдек, назорат инстанцияси суди, агар биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанциялари суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

Суд жиноят ишини апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш чоғида жазони кучайтиришга, худди шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли.

Апелляция ёки кассация инстанцияси суди оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ёхуд жазони кучайтиришга ана шу асослар бўйича жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ҳақлидир.

Суд жиноят ишини назорат тартибида кўриб чиқиш чоғида жазони кучайтиришга, худди шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли эмас.

Оғирроқ жиноятга доир қонунни қўл-

лаш зарурати туфайли ёки жазонинг енгиллиги учун апелляция ёхуд кассация инстанцияси судининг ажримини назорат тартибида бекор қилиш ва ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш учун юбориш факат шу асослар бўйича жабрланувчи ёки унинг вакили томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест келтирилган ҳоллардагина мумкин.

Суд амалиётидан мисол келтирамиз. Биринчи босқич судининг 2019 йил 13 августрдаги ҳукмига кўра, А.Х. Жиноят кодекси (ЖК) 266-моддасининг биринчи қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида - 2 027 300 сўм жарима жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Х. онаси Х.Ш.нинг номидаги давлат рақами 75 G 612 КА бўлган «Нексия» русумли автомашинада ҳаракатланиб кетаётганида, «Йўл ҳаракати қоидалири»нинг талабларини қўпол равища бузиб, йўлнинг чап томонига кесиб ўтаётган пиёда Э.Х.ни туртиб юбориб йўл-транспорт ҳодисаси содир этган, натижада Э.Х. ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳати олган.

Судланган А.Х.нинг айби ўзининг айбига икрорлик ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда сўралган жабрланувчи Э.Х.нинг кўрсатуви, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси, фотосуратлар, экспертиза хulosаси ҳамда жиноят ишида тўплланган бошка далиллар мажмуи билан исботланган.

ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, ЖКда жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш,

унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум ва бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган заарарнинг хусусияти ва миқдорини, айборнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорида жазо адолатли бўлиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айборнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

ЖПКнинг 489-моддасига кўра, гарчи жазо ЖКнинг тегишли моддасида белгиланган доирада тайинланган бўлса-да, тури ва меъёри жиҳатидан рўйи-рост адолатсиз бўлса, жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланувчининг шахсига номувофиқ деб эътироф этилиши белгиланган бўлса-да, биринчи босқич суди А.Х.нинг жиноий ҳаракатини ЖК 266-моддасининг биринчи қисми билан тўғри квалификация қилиб, айблилиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, бироқ унга нисбатан жазо тайинлашда юқорида кўрсатилган қонун талабларига ва Пленум қароридаги тушунтиришларга риоя қилмасдан, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига эътибор бермасдан ва жиноятнинг оғирлик дараҷасига номувофиқ, енгил жазо тайинлаган.

ЖПКнинг 494-моддасига кўра, суд

жиноят ишини апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш чоғида жазони кучайтиришга, худди шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ана шу асослар бўйича жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ҳақли.

Ушбу Кодекснинг 506¹-моддасида биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришга, шу жумладан, айлов ҳажмини, жиноят тавсифини ўзгартиришга, жазони енгиллаштиришга ёки кучайтиришга, худди шунингдек оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллашга ҳақли эканлиги, биринчи инстанция судининг айлов ҳукми жабрланувчининг, унинг вакилининг шикояти ёки прокурорнинг протести бўлган тақдирдагина маҳкумнинг ахволини оғирлаштириш томонга ўзгартирилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Шу сабабли, жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2020 йил 9 мартағи ажримига кўра, жабрланувчининг кассация шикоятига асосан биринчи босқич судининг 2019 йил 13 августдаги А.Х.га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилиб, А.Х.га ЖК 266-моддасининг биринчи қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 1 йил муайян ҳуқуқдан, яъни барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилгани ҳолда иш ҳақининг 15 фойзини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

О. НОРМАҲМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Сурхондарё вилоят суди
раиси ўринбосари

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУД МАЖЛИСИ МУҲОКАМАСИНИ БОШЛАШ МУДДАТИНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили кўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг мұқаррарлiği принципларини рүёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари¹ белгилаб олindi.

Шу ўринда суд мажлисининг тайёрлов қисмини жадаллаштириш масаласига тўхталиб ўтамиз. Мазкур масаланинг ечими ушбу босқичнинг вужудга келиши учун муҳим ҳисобланадиган ишни суд мажлисида мухокама қилишни бошлиш муддати билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 405-моддасига мувофиқ жиноят ишини судда мухокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн суткада суд ишни кўришни бошлиши лозим.

Жиноят-процессуал муносабатларни янада ривожлантириш нуқтаи назаридан қаранганд, белгиланган ушбу муддат асослидир. Негаки, ушбу муддат, биринчидан, Ўзбекистоннинг аввалги, яъни 1959 йилдаги жиноят-процессуал қонунининг 222-моддасида ишни суд мажлисида кўриш масаласини ҳал

этиш борасида белгиланган ўн беш кунлик муддатга нисбатан қисқа; иккинчидан, бу масалада ЖПКнинг 455-моддаси талабларини эътиборга олиш лозим, яъни ишни суд мажлисида мухокама қилиш натижасида қабул қиласидан суднинг ҳукми қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт. Демак, ишни суд мажлисига тайёрлаш босқичидан ишни суд мажлисида кўриб чиқиш босқичига қадар бўлган вақт оралиғи – жиноят ишида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар суд (судья) томонидан тўлиқ ва диққат билан ўрганиб чиқилиши ҳамда ишни суд мажлисига тайёрлаш учун мухим. Бу қоида жиноят процессида одил судловни амалга ошириш самарасини оширишга кўмак беради.

ЖПКда жиноят ишини судда мухокама қилишга тайинлаш тўғрисидаги судьянинг қарори чиқарилган вақтдан ишни кўришни бошлишгача бўлган муддат идеал эмас. Бу масалада чет эл тажрибасини, хусусан МДҲга аъзо давлатларнинг, шунингдек Farb мамлакатларининг қонун амалиётини ўрганиш, қайд этилган муддатнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимларни кенгайтиришга ҳизмат қилади.

Ўз ўрнида айтиш лозимки, МДҲга аъзо мамлакатлардаги жиноят ишини кўришни бошлиш муддатини тартибга солувчи процессуал қоидалар уларни ўртacha беш кундан ўн беш кунга қадар бўлган муддат кенглигига белгилаган. Лекин, кўпгина аъзо мамлакатларнинг қонунчилигидаги ўзига хос хусусият шундаки, уларда жиноят ишини судда мухокама қилишни бошлиш муддати икки йўналишда ҳал қилинган. Биринчиси, жиноят ишини «дастлабки эшитиш» босқичида кўриш учун тайинлаш; иккинчиси, жиноят

ишини судда мұхокама қилиш учун тайинлаш. Шу билан бирга, МДХга аъзо мамлакатларнинг жиноят ишини судда мұхокама қилиш учун тайинлаш муддатини белгилашда турли процессыал асос ва шартлар эътиборга олинган. Мана шу мезонлардан келиб чиқиб, МДХга аъзо мамлакатларнинг қонунчилигига ўрнатилған муддатларни бир неча гурухга ажратиш мүмкін. Жумладан, биринчи гурухга жиноят ишини асосий суд мұхокамасыда кўриш учун тайинлаш масаласини тўлиқ равища ишни «дастлабки эшлиши» босқичида ҳал қилинувчи қонунчиликларни; иккинчи гурухга тааллуқли мамлакатларнинг қонунчилигига ушбу масалалар «аралаш» тарзда ҳал қилинади; учинчи гурухга тегишли қонун нормаларида жиноят ишини кўришни бошлаш муддати бевосита ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичида тўғридан-тўғри ҳал қилинади.

Жиноят ишини судда кўришни бошлаш муддатини белгилашда МДХга аъзо мамлакатлар қонунчилигига турлича ёндашув ишлаб чиқилған. Бу масалада мамлакатимиз қонунчилиги амалиёт учун таклиф этган ўн суткалик муддатни анча мўътадил ечим сифатида эътироф этиш мүмкін. Лекин, қонунда белгиланған ушбу муддат дифференциациявий хусусиятга эга бўлмай, жиноятнинг

барча турлари учун бир хил ёндашувни намоён этади. Бу масалада Россия Федерацияси², Туркманистан³, шунингдек Озарбайжон Республикаси⁴ қонунчиликларида белгиланған муддатларнинг дифференциациялашувини ижобий баҳолаш мүмкін. Негаки, жиноят ишини судда кўришни бошлаш муддати, шубҳасиз судланувчилар айбланаётган жиноятнинг оғирлиги, ишдаги ҳолатларни исботлаш билан боғлиқ мураккаблик ва жиноят ишининг ижтимоий аҳамияти (яъни судланувчи шахсининг ўзига хослиги) каби мезонларга асосланиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қонунчиликимизда белгиланған жиноят ишини судда кўришни бошлаш муддатини ҳам дифференциациялаш зарурлигини таъкидлаш лозим. Чунки, унча оғир бўлмаган жиноятда айбланаётган шахсларга нисбатан ёхуд жиноят ишини ўта оғир жиноятларда айбланаётган шахсларга нисбатан суд мұхокамасини бошлаш муддатлари мантиқан ва жиноят-процессыал муносабатларнинг табиитидан келиб чиқиб (яъни мураккаб ва ўта оғир жиноятни содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан юритилаётган жиноят ишларида иштирок этаётган шахсларнинг таркиби, исботлаш фаолиятининг мураккаблиги ва бу кўпгина процессыал-хуқуқий

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада биринчи инстанция судида жиноят иши юритувида суд мажлисиде мұхокама қилишини бошлаш муддати билан боғлиқ айрим масалалар илмий-назарий нұктай назардан таҳлил этилган ва бу борада асослантирилған таклифлар илгари сурилған.

Таянч сўзлар: судда ишларни юритиши, жиноят ишлари юритуви, биринчи инстанция, суд мажлиси мұхокамасини бошлаш муддати, интенсификация, процессыал муддатлар.

В данной статье проанализированы некоторые вопросы дальнейшей интенсификации назначения дела к судебному заседанию и производства в суде первой инстанции в целом с теоретико-научной точки зрения и выдвинуты научно обоснованные предложения.

Ключевые слова: судебное разбирательство, уголовное судопроизводство, первая инстанция, интенсификация, процессыальные сроки.

In this article some questions of the further intensification of appointment of trial to judicial stage and in court of the first instance as a whole from the theoretical-scientific point of view are analyzed and scientifically well-founded offers are brought.

Key words: trial, criminal procedure, pre-investigation, intensification, criminal action, remedial terms.

ресурсларни жалб қилишни талаб этиши ва ҳоказо) бир хил бўлиши мумкин эмас.

«Бир хиллик» ҳажм жиҳатдан турли бўлган ва ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан хилма хил турга хос бўлган жиноят ишлари учун ёт мезон ҳамда нормаларни тартибга солишининг шахс ҳуқуқ ва манфаатларига заарли методи ҳисобланади.

Шундай бўлгач, жиноят ишини судда муҳокама қилишни бошлаш масаласи борасида қонунда белгиланган ўн суткалик муддат процессуал ҳуқуқ учун «зиёнли» бўлмаса-да, лекин ушбу муддатни таъкидлаб ўтилган процессуал асосларда дифференциациялаш лозим. Фақат шунда жиноят процессининг мазкур босқичида процессуал муносабатлар интенсивлигини бир мунча таъминлашга эришиш мумкин. Бу масалани ҳал қилишда қўйидаги қоидаларга амал қилиш зарур бўлади, чунончи:

- судда ишни кўришни бошлашнинг максимал муддатларини белгилаш;
- суд томонидан ишни кўриб чиқишини бошлашнинг мақсадга мувофиқ муддатларини белгилаш ваколати;
- ишни судда муҳокама қилишни бошлаш муддатларини белгилашда суд томонидан тарафларнинг илтимосларини эътиборга олиш.

Ишни кўришни бошлашнинг максимал муддатлари деганда жиноят ишининг муайян тоифаси учун қонунда белгилаб қўйилган муддатлар тушунилиши лозим. Бу муддатлар юридик техника талабларидан келиб чиқиб, жиноятнинг ижтимоий аҳамиятига мувофиқ юқори муддатдан қисқа муддатга қараб белгиланиши керак. Шу асосда ЖПК 405-моддасининг биринчи қисмини қўйидаги матнда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

«Жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш босқичида суд ёки судья томонидан қабул қилинган қарор асосида бошланади. Жиноят ишини судда муҳокама қилиш кўпини билан ўн суткада ёки судья томонидан белгиланадиган мақсадга мувофиқ бошқа муддатда бошланиши лозим.

Агар жиноят иши ижтимоий хавфи катта

бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан юритилаётган жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган куннинг эртасидан бошлаб кўпини билан етти суткада⁵ ёхуд судья томонидан белгиланадиган мақсадга мувофиқ бошқа муддатда бошланиши керак.

Жиноят ишини *соддалашитирилган тартибда* юритишда жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган кундан бошлаб кўпини билан уч суткада ёки *тарафларнинг келишувига* кўра бошқа муддатда бошланиши мумкин».

Юқорида шакллантирилган матндаги уч жиҳатга эътиборни қаратиш ўринлидир, биринчиси, жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилувчи процессуал субъект қаторига – суднинг ҳам киритилиши. Зотан, суднинг субъект сифатида эътироф этилишига оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишда айбланаётган шахсларга, вояга етмаганларга нисбатан юритилаётган жиноят ишларида, шунингдек суд муҳокамасига тайинлаш босқичида жиноят ишини дастлаб эшлиши тўғрисидаги илтимоснома билдирилган ҳолатларда жиноят ишини дастлаб эшлиши масаласи суд томонидан ҳал қилиниши лозим⁶.

Қонунга ўзgartириш киритиш тўғрисидаги таклифнинг ўзига хос иккинчи жиҳати, қайд этилган модда биринчи қисмининг амалдаги таҳририда кўрсатилган «вақтдан бошлаб» ибораси «куннинг эртасидан бошлаб» сўзига алмаштирилишида намоён бўлади. Негаки, ЖПКнинг «Муддатларни ҳисоблаш»ни тартибга солувчи 314-моддасида ушлаб туриш, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ҳамда тибий муассасада сақлаб туришдан ташқари, бошқа ҳолатларда муддат бошланадиган соат ва сутка ҳисобга олинмайди». Бу ҳолатда нафақат нормалардаги матнларни бирхилластириш эҳтиёжи мавжуд, балки мантиқий якунига етказиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Мазкур масаладаги учинчи жиҳат эса,

жиноят ишини соддалаштирилган тартибда юритишда қисқартирилган муддатларнинг белгиланганлиги ҳамда бундай тартибда юритиладиган суд муҳокамасини бошлаш муддатини тарафларнинг келишуви асосида белгилаш ҳолати билан боғлиқ. Амалий нуқати назардан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларда айбланаётган шахсларга нисбатан ишларни кўриб чиқишида, шунингдек шу тоифага ки-рувчи жиноят ишларида айбланувчининг (судланувчининг) ўз айбига иқрор бўлиши ва қилмишидан пушаймонлиги туфайли ишни соддалаштирилган (тезлаштирилган) тартибда юритишда ишни судда муҳокама қилиш муддатини қисқартириш ўринлидир. Зеро, илмий-назарий муомалада бўлган суд муҳокамасининг «тезлаштирилган тартиби» ибораси мазмунан ишни судда кўриб чиқиши бошлаш муддатини ҳам ўз ичига олади.

Суд томонидан ишни кўриб чиқиши бошлашнинг мақсадга мувофиқ муддатларни белгилаш ваколати тушунчасига оид фикрлар ҳақида тадқиқотнинг аввалги қисмларида сўз юритилган эди. Ўша фикрларга қўшимча қилиб шуни таъкидлаш жоизки, суд томонидан мақсадга мувофиқлик асосида белгиланадиган муддатлар тушунчаси икки жиҳатга таянади. Биринчиси – ушбу босқичда муддатлар асосида вужудга келадиган процессуал муносабатларда суд ихтиёрининг мавжудлиги. Иккинчиси – мақсадга мувофиқлик принципи асосида муддатларни белгилашда қонунда ўрнатилган максимал муддатлар чегарасидан четга чиқишига йўл қўйилмаслиги.

Демак, мақсадга мувофиқлик принципи асосида суд томонидан амалга ошириладиган ваколатлар «ихтиёр» ва «чегара» мезонлари мутаносиблигига ҳал қилиниши даркор. Яъни, масалан, жиноят ишини соддалаштирилган тартибда юритишда жиноят ишини судда муҳокама қилишни ўша куннинг ўзида, эртаси, унинг эртаси кунида, аммо жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори

чиқарилган кундан уч суткадан кечиктирмай бошлаш лозим.

Ишни қўришни бошлаш муддатларини белгилашда суд томонидан тарафларнинг илтимосларини эътиборга олишга оид жиҳатларга келсак, бу масалада тарафларнинг мутлақ ихтиёри мавжуд эканлиги ҳақида хulosага келиш керак эмас. Чунки, биринчидан, бу ерда тарафларнинг ихтиёри устувор мавқега эга эмас (зоро уларнинг муддатга оид келишувини ҳал қилиш суднинг ихтиёридаги масала ҳисобланади); иккинчидан, ушбу процессуал қоида тарафлар тайёргарлиги мавжуд бўлганда шу куннинг ўзида ёки тез вақтда суд мажлисини бошлаш имконини беради. Шубҳасиз, бу ҳолат таҳлил этилаётган босқичда жиноят-процессуал муносабатларнинг интенсивлигини таъминлашда муҳим процессуал омил бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, МДҲга аъзо мамлакатлар қонунчилигига жиноят ишини судда муҳокама қилишни бошлаш муддатини белгилашда урф бўлган процессуал-хуқуқий анъналардан бири – қайд этилган масалани ишни дастлабки эшитув востасида ҳал қилиш билан узвий боғлиқдир.

Маълум бўлганидек, мазкур масалани ҳал қилишда Украина⁷, Грузия⁸ Озарбайжон, Арманистон⁹да мунтазам, Россия ва Туркманистанда зарурият туфайли бошқарув мажлиси ёки ишни дастлаб эшитиш каби процессуал шакллардан фойдаланиб келинади. Жиноят процессига аввалдан маълум бўлиб келган мазкур процессуал институт ҳакидаги кенгрөк нуқтаи назарларни келгусида ёритишни мақсад қилган ҳолда, ҳозир ушбу масалада шуни таъкидлаш ўринлики, бошқарув мажлиси ёки англо-америкача жиноят-судлов юритуви анъналарига хос бўлган ишнинг дастлабки эшитув босқичи жиноят процессида иккита муҳим вазифани амалга оширади.

Биринчиси, назорат функцияси ёки «фильтрация функцияси» билан боғлиқ. Зотан, ишни дастлабки эшитиш воситасида суд дастлабки тергов фаолиятининг қонунийлиги, терговчи тузган, прокурор томонидан тасдиқланган

айблов хулосасининг асосли ва адолатли эканлигини текшириб кўради. Агар дастлабки терговни юритувчи шахснинг ва органларнинг ҳаракатларида қонунга зид ҳолатлар аниқланмаган ҳамда тўпланган маълумотлар умумий тарзда жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жиноят ишини тугатишга ёки жиноят ишини тўхтатишга асос бўлувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, суд ишни суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайинлайди. Энг аҳамиятлиси шундаки, ушбу босқичда вужудга келадиган процессуал муносабат иштирокчилари ҳозирги мамлакатимиз ЖПК судда иш юритишнинг ушбу босқичи учун ўрнатган иштирокчилар таркибидан анча кенг ва кўзланадиган мақсад нуқтаи назаридан бир қадар самаралидир. Зеро унинг самараси дастлабки тергов фаолиятининг хатоларини тезкорлик билан тузатиш мақсади билан уйғундир.

Судда иш юритишнинг қайд этилган

тартиби амалга оширадиган иккинчи функция – суд муҳокамаси шаклини танлаш ихтиёри орқали жиноят ишининг тақдирини интенсив ҳал қилишни назарда тутади. Зотан, МДҲга аъзо мамлакатларнинг, шунингдек ГФР, Франция, Испания, Италия, АҚШ ва бошқа «инглиз суди» анъанасига эга мамлакатларнинг қонунчилик тажрибаси ва суд-ҳуқуқ амалиёти ишни дастлаб эшитиш босқичида муайян процессуал-ҳуқуқий шартлар ва асосларда суд муҳокамасини дарҳол бошлиш ёки ҳал қилиш тартибини ўрнатганлигини кўрсатади.

Шундай экан, бундай ижобий тажриба мамлакатимиз қонунчилигидан ўрин эгаллаши фойдадан холи бўлмайди.

**Н. ХАЙРИЕВ,
юридик фанлар доктори,
доцент**

¹«Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини яна-да кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент ш., 2020 йил 10 август, ПФ-6041-сон.

²Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 13.07.2015) (с изм. и доп., вступ. в силу с 15.09.2015). http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/

³Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистан, от 18 апреля 2009 года (В редакции Законов Туркменистана от 31.03.2012 г. №292-IV, 22.12.2012 г. №359-IV, 01.03.2014 г., 03.05.2014 г.) http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=27706.

⁴Уголовно-процессуальный кодекс Республики Азербайджан. abc.az/rus/news/45864.html.

⁵Федеративная Республика Германия. Уголовно-процессуальный кодекс. –С.107). ГФР жиноят-процессуал қонунчилигининг 217-моддасида жиноят ишининг суддаги муҳокамаси айбланувчининг суд муҳокамасига чақириш тўғрисидаги таклифни олган кундан 7 сутка ўтгандан кейин бошланиши мумкин. Агар мазкур муддатга амал қилинмаган бўлса, судланувчи ишни кейинга қолдириши талаб қилишга ёхуд ўзининг ушбу ҳуқуқидан воз кечишига ҳақли. ГФР қонунчилигига кўра мазкур муддат айблов хулосасида назарда тутилган айбловлардан ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини шакллантириш учун айбланувчига таъмин этилган муддат хисобланади.

⁶Пўлатов Б.Х. Теоретические и практические проблемы и пути совершенствования законодательного регулирования участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах: Автореф. дисс... докт. юрид. наук. Т., Академия МВД РУз., 2002. –С. 12.

⁷Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года. <http://www.iuaj.net/node/1099>.

⁸Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. http://www.pravo.org.ua/files/Criminal%20justice/_-09_10_2009.pdf.

⁹УПК Армении. yurotdel.com/zakony/ugolovno.

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ РОЛИ

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кишилилк жамияти тараққиётининг барча босқичларида энг асосий ва бош масалалардан бири бўлиб келган. Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этиб, у демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси, давлатнинг қай даражада ривожланганлигини кўрсатувчи ўзига хос мезон ҳисобланган.

Шу сабабдан, умумэътироф этилган ҳалқаро ҳужжатлар ва умуминсоний қадриятлар талабларидан келиб чиқсан ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мукаммал тартибга солишга янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир¹.

Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқларига содиқлик, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечириши, фуқаролар тинчлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланиб, унинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади², деб ўрнатилди ва уни амалда таъминлаш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аввало, инсон ҳуқуқи ва эркинлиги соҳасида ҳалқаро-ҳуқуқий стандартларга мос миллий қонунчиликни уйғулаштириш бўйича тизимили чора-тадбирлар белгиланиб, сўнгги 3 йилда 5000 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, шундан 4 таси янги кодекс, 165 таси қонун, 1209 таси

Президент ҳужжатлари ҳисобланади.

Жамиятимиз тараққиётининг истиқболини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида³ инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, унда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг қуидаги асосий йўналишлари белгилаб берилди: биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини вужудга келтириш; иккинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш; учинчидан, қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизми ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш; тўртинчидан, одил судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш; бешинчидан, аҳоли ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кун янги ислоҳотлар босқичида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янги поғонага кўтариш мақсадида суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, инсонпарварлик, адолат, суд хокимияти мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг одил судловга ишончини ошириш, «Хабеас корпус» институтини

кенгайтириш, тергов олиб боришида суд назоратини кучайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди. Низоларни судгача тартибга солиш механизми кучайтирилди, тарафлар ярашувини таъминлаш учун адвокатларнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди, судларда ишларнинг кўриб чиқишида адолат, очиқлик, холисликни таъминлаш учун «электрон одил судлов» тизими жорий қилинди, авф этиш ва жазодан озод қилишнинг жамоат бирлашмалари оталиғига топширишнинг бутунлай янги тизими татбик этилди. Бу каби амалга оширилган чоралар натижасида мамлакатимиз қамоқхоналаридагилар сони 2,5 марта қисқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан судларнинг ихтисослашуви янада такомиллаштирилди, яъни умумий юрисдикция судларининг иқтисодий, фуқаролик, маъмурий ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизими ни ислоҳ қилишда жиддий қадам бўлди. Бу нарса, албатта, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириди, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўла таъминлашга замин яратди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни самарали ташкил этишда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз кураш муҳим роль ўйнайди. Шу сабабдан, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш тизими самарадорлигини ошириш, коррупция ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ташкилий ҳуқукий чоралар кўрилмоқда. Барча даражадаги давлат муассасаларида коррупцияга қарши курашда парламент, фуқаролик жамияти институтларининг роли кучайтирилди, Коррупцияга қарши кураш агентлиги ташкил этилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг мазмуни тубдан ўзгаририлди. Энг муҳим вазифа ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари билан курашга эмас, балки уларнинг олдини олиш ва огоҳлантиришга қаратилмоқда.

Янги ислоҳотлар босқичида белгиланган ушбу вазифаларни амалда таъминлашни янада юқори босқичга кўтаришда Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишлиланган видеоселектор йиғилиши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масала бўйича сўнгги 3 йилда 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинганлиги, судлар томонидан 2 минг 273 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганлиги, жиноят йўлига билиб-бilmay кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига олинганлиги, инсон ҳуқуқини бузганлиги учун 60 нафар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари жиноий жавобгарликка тортилганлиги дикқатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ушбу селектор йиғилишида олға сурилган ғоялар, яъни Тошкент давлат юридик университетида «Инсон қадр-қиммати – энг олий қадрият» маҳсус ўқув модули бўйича барча ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини ўқитиши, судьялик лавозимини эгаллаш учун муайян иш стажига эга бўлиш, Судьялар олий мактабини ўқиб тугатиш каби талаблар қўйиш орқали танловни кучайтириш, терговчиликка номзодларга ҳам шунга ўхшаш талаблар қўйиш кераклиги, терговчилик касбини эгаллашга мутлақо янги талабларни ишлаб чиқиш, соҳага илфор тажриба ва стандартларни жорий этиш, тергов жараёнидаги хатолар суд мажлисида аниқланса, прокурор суднинг тугашини кутиб ўтирамасдан, ўз ташаббуси билан айбловдан воз кечадиган тартибни жорий этиш, халқаро стандартлар асосида суд тизимини «бир суд – бир инстанция» тамойили асосида қайта кўриб чиқиш, суд тизимида эскилик сарқити бўлган, ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган «назорат тартибида ишларни кўриш» амалиётидан тўлиқ воз кечиш, судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишларига таъсир ўтказувчи барча омилларни, шу жумладан, Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириш

ҳуқуқини бекор қилиш таклифларининг илгари суримиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Албатта, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган ислохотларнинг кўлами жуда кенг, бу борада эришилган ютуқлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Аммо, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очиқ мулоқот натижаларини умумлаштириш қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолаш, жиноятларни фош этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техник базасини қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўқсинглик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермокда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁴ти Фармонида кўрсатилишича, суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизmlар тўлиқ ишга солинмаган, шунингдек қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжуд. Дарҳақиқат, бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш, энг муҳими, жамиятимиз ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини ошириш зарурияти қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, уларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу маънода, ушбу Фармон бу бўшлиқни тўлдирадиган, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мустақил демократик тараққиёт йўлидан шахдам қадамлар билан одимлаётган мустақил давлатимизда янги сахифа очадиган тарихий ҳуқуқий ҳужжат бўлди

десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Фармоннинг эътиборга молик жиҳати сифатида унда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосига қонун устуворлиги, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, шахс, жамият ва давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаш, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбиззлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Фармонда шахсга нисбатан қийноқка солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизmlарни жорий қилиш, шунингдек бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоаттўйлик руҳини шакллантириш механизмини жорий қилиш, шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилаётганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Maxsus қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш каби вазифалар белгилаб берилди.

Суд-тергов фаолиятида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида терговга кадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриконуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш, ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин кариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд

бўлмаган холларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доирасида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва бошқа суд процесси иштирокчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ёки сўроқ қилиш тақиқланадиган бўлди.

Шунингдек, Фармонда терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек вақтинча сақлаш ва тергов ҳибс-хоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айланувчи ва судланувчини гувоҳлантириш уларнинг ёки адвокатининг илтимосномасига асосан 24 соат ичидаги вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан амалга оширилиши шартлиги, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганик ҳолати тугалланмаган ёки судланганилиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қоида вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гурӯҳ ногиронлари, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги, вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гурӯҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасдан содир этилган жи-

ноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмаслик талабарининг белгиланганлиги диққатга сазовордир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кун янги ислоҳотлар босқичида мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, ушбу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга, суд-тергов ҳаракатларининг сифатини оширишга, шахсга нисбатан қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний, қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазо турларини қўллашнинг олдини олишга, инсоннинг суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини тўла кафолатлашга, охир-оқибатда демократик ва умуминсоний қадриятлар юксак даражада қадрланаётган мустақил давлатимизда инсон ҳуқуқини самарали ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга хизмат қиласди.

М. УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти
профессори, юридик фанлар доктори

¹Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. //«Халқ сўзи», 2017 йил 9 декабрь.

²Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2018.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришининг Ҳаракатлар стратегияси»ни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон, 70-модда.

⁴Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЎРИТИШНИ ИСТИСНО ЭТУВЧИ ХОЛАТЛАР, ДАЛИЛЛАР ВА УЛАРГА БАҲО БЕРИШ

Ўзбекистон Республикаси Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖтК)нинг 271-моддасида маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонун нормасида 11 та банд кўрсатилган бўлиб, ушбу ҳолатларнинг лоақал бирортаси мавжуд бўлган тақдирда мазкур маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозимлиги белгиланган.

МЖтК 271-моддасининг 1-бандида маъмурӣ ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса, иш юритишни тугатиш лозимлиги белгиланган. Бунда, маъмурӣ ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ва таркибининг бўлмаслигини, маъмурӣ қилмиш фактини тасдиқловчи маълумотларнинг йўқ эканлигини ёки ҳодиса бўлган-у, аммо унда йиғиндиси маъмурӣ қилмиш таркибини юзага келтирувчи аломатлари мавжуд эмаслигини тушуниш лозим.

МЖтК 271-моддасининг 2-бандида маъмурӣ ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс 16 ёшга тўлмаган бўлса, ушбу иш юритишдан тугатилиши лозимлиги белгиланган. Бизга маълумки, ушбу Кодекснинг 13-моддасига биноан, маъмурӣ ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар маъмурӣ жавобгарликка тортиладилар. Ушбу ҳолатда ҳуқуқбузарлик содир этилган

пайтда 16 ёшга тўлмаган шахслар иши кўриб чиқилаётганида унинг ана шу ёшга тўлган-тўлмаганлигидан қатъи назар, ишни тугатиш кераклигига урғу берилган. Ҳуқуқбузарлик аниқланаётганида ҳуқуқбузарнинг ёши ҳуқуқбузарликнинг тугаш пайти билан белгиланади. Шахснинг у ёки бу ёшга тўлгани у туғилган кундан кейинги сутканинг ноль соатидан ҳисобланишига эътибор қаратиш лозим.

МЖтК 271-моддасининг 3-бандида файрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахснинг ақли нора-со бўлса, ушбу иш юритишдан тугатилиши лозимлиги белгиланган.

МЖтК 271-моддасининг 4-бандида шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида қилган бўлса, ушбу иш юритишдан тугатилиши лозимлиги назарда тутилган.

МЖтК 271-моддасининг 4¹-бандида шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбураш ёхуд кўрқитиш натижасида қилган бўлса, ушбу иш юритишдан тугатилиши лозимлиги таъкидланган.

МЖтК 271-моддасининг 5-бандида амнистия акти чиқиши, агар у маъмурӣ жазо чорасини кўлланишини бекор қилса, ушбу иш юритишдан тугатилади.

МЖтК 271-моддасининг 6-бандида маъмурӣ жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса, ушбу иш юритишдан тугатилиши лозимлиги белгиланган.

МЖтК 271-моддасининг 7-бандида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриб чиқиши пайтига келиб ушбу Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, ушбу иш юритишдан тугатилиши лозимлиги белгиланган.

МЖтК 271-моддасининг 8-бандида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиши тўғрисида ваколатли орган (мансадор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор килинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзгатилган бўлса, ушбу иш юритишдан тугатилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

МЖтК 271-моддасининг 9-бандида шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса, ушбу иш юритишдан тугатилиши лозимлиги белгиланган.

МЖтК 271-моддасининг 10-бандида ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш ушбу Кодекснинг тегишли моддасида назарда тутилган бўлса, ушбу иш юритишдан тугатилиши лозимлиги белгиланган. Масалан, МЖтК 474-моддасининг иккинчи қисмида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади деб белгиланган. Ушбу ҳолат МЖтК 271-моддасининг 10-банди билан тартибга солинади.

МЖтК 271-моддасининг 11-банди тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ки-

ритилган бўлиб, ушбу Кодекснинг тегишли моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар йўл қўйилган бузилишларни ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий заарнинг ўрнини қоплаган бўлса ушбу ишлар иш юритишдан тугатилиши лозимлиги таъкидланган.

Масалан, МЖтКнинг 176³-моддасида назарда тутилган автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш ҳуқуқбузарлигини содир этган шахс 30 кун муддат ичida ушбу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган тақдирда, мазкур маъмурий иш юритишдан тугатилиши лозим.

Юқоридаги асослар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор юзасидан шикоят ва эътиrozларни қўриб чиқишида ҳам қўлланилади.

МЖтКнинг 271-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозимлиги белгиланган бўлса-да, амалиётда маъмурий баённома тузишга ваколатли орган томонидан иш юритиш амалга оширилиб, иш ҳужжатлари судга тақдим қилиниб, факатгина суд томонидан тугатилиб келинмоқда.

Яъни, ушбу қонунда кўрсатилган «ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас» жумласига қайсиdir маънода амал қилинмаяпти ҳамда ушбу ваколат қонунда маъмурий баённома тузишга ваколат-

ли органга берилганлиги кўрсатилмаган.

МЖТКнинг 276-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансадбор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айборлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Ушбу маълумотлар қуидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хуносаси, мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари), ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, аудио-видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади.

Орган (мансадбор шахс) далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо беради.

Шу ўринда, далилларни текширишда судья, аввало, уларни ўз ички ишончига асосланиб баҳолайди. Бундай текшириш сўроқ қилинаётган шахсларнинг кўрсатмаларини эшлишида, ишнинг ёзма ҳужжатларини текширишда, ашёлар, предметлар ва ҳужжатларни визуал кўрикдан ўтказишида ҳамда ҳар бир далилни дастлабки баҳолашда кечади. Далилларни баҳолашда судья эркин бўлиб, фақатгина тарафларнинг фикрига таяниб қолмай, балки ҳар бир далилни

мустақил тахлил қилиб, далилларнинг сифат ҳолати ҳақида мустақил хулосалар чиқаради.

Муайян далилларнинг йўл қўйилишини аниқлашда суд тарафларнинг нуқтаи назаридан мустақил равишда мавжуд маълумотларни уларсиз қабул қилиб олиш, шахсий баҳолаш асосида ҳал қилиш имкониятига эга. Ушбу ҳуқуқ бир вақтнинг ўзида суднинг мажбурияти ҳамдир. Суднинг исбот қилиш фаолиятидаги энг муҳим ўрни далиллар мажмуининг якуний баҳоланишида намоён бўлади. Суднинг бош вазифаси бўлмиш жиноят ишини ҳал қилиш айнан шунинг моҳиятига асосланган. Бундай баҳолаш суднинг иш бўйича чиқарган якуний қарорида ўз аксини топади.

Судъянинг суд муҳокамаси тугагунга ва суд олдига қўйилган масала ҳал этилгунга қадар ўзининг қарорлари ва исботланиши керак бўлган ҳолатлар юзасидан оғзаки мулоҳазаларида уларнинг исботланганлигини таъкидлаш, исботлашнинг якунловчи босқичида амалга оширилиши керак бўлган далилларни баҳолаш вазифасини аввалдан ҳал этилишининг тақиқланиши суд амалиётида умумтан олинган қоидадир.

Суд томонидан ишни қўришда холислик ва беғаразликка риоя қилиш ҳамда ҳар қандай баҳсли масалани барча тақдим этилган далилларни ҳар томонлама ва тўлиқ текшириш, ишнинг барча ҳолатларини аниқлашга риоя қилиш талабларидан келиб чиқади.

**У. АХМЕДОВ,
Фарғона вилоят
маъмурий суди судьяси**

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУЖЖАТИНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШНИНГ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Тадбиркорлик субъектларининг солик органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг қонунчилик асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси, Фуқаролик кодексининг 12-моддаси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (бундан бўён матнда МСИЮтК деб юритилади) 4-моддаси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш мумкинлиги белгиланган бўлиб, тадбиркорлик субъекти (манфаатдор шахс), қонунда назарда тутилган ҳолларда прокурор, шунингдек бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилишга ваколатли тузилмалар давлат органи, хусусан солик органининг ҳужжатини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) билан қуидаги ҳолларда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Зеро, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиши, ўзининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини таъминланишини сўраб судга мурожаат этиши шахснинг журъатлилик баробарида ҳуқуқий онги ва маданиятининг даражасини ҳам белгилайди. Профессор О.Оқюлов айтганидек, ҳуқуқларни

суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқий ҳимоя тизимининг энг универсал воситасидир¹.

Жамиятда тадбиркорлик фаолиятига доир ҳуқуқий муносабатлар ривож топиб боргани сайин солик органлари билан юзага келаётган баҳсли, низоли ҳолатлар ҳам кўпайиб бормоқда. Бир қарашда бу оддий ҳолатга ўхшаб кўринса-да (чунки, тадбиркорлик фаолиятини асосий назорат қилувчи орган солик идоралари саналиб, улар тадбиркорлар билан бевосита ва мунтазам муносабатларга кирувчи давлат ваколатли органи ҳисобланади), лекин улар ўртасидаги ҳуқуқий низоларнинг қонуний ечимини таъминлаш, ҳар бир тарафнинг фаолиятида қонун устуворлигига риоя этишини назорат қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 21 февралда қабул қилинган ПФ-4966-сонли Фармони² асосида оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколатли бўлган янги суд тизими шакллантирилди ҳамда 2017 йил 1 июндан мазкур туркумдаги ишлар Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари томонидан кўриб чиқилиши белгиланди.

Шу муносабат билан ушбу тадбиркорлик субъектлари ва давлат солик органлари ўртасида оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича ариза (шикоят)ларни маъмурий судлар судловига тааллуқлилиги белгиланиб, мазкур ариза (шикоят) қаноатлантирилганда уларнинг ҳуқуқий оқибатини қўллаш билан боғлиқ низолар иқтисодий судлар ваколатига тааллуқли эканлиги таъминланди.

Статистик маълумотларга кўра, солик органларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, тадбиркорлик субъектлари томонидан берилган аризалар кўлами ошиб бориб, жумладан, маъмурий судлар томонидан 2019 йил давомида солик органларининг 65 та қарорлари ни ҳақиқий эмас деб топиш сўралган ишларнинг 23 таси қаноатлантирилган бўлса, мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топишга доир 116 та аризанинг 60 таси қаноатлантирилган³.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва давлат солик хизмати органлари ўртасидаги бошқа иқтисодий низолар иқтисодий судлар судловига тааллуқли бўлиб, уларга тадбиркорлик субъекти солик органларининг қонун хужжатлари га мувофиқ бўлмаган хужжатлари ва мансабдор шахсининг қонунга хилоф деб топилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида кўрган заарларни ундириш, солик мажбуриятининг бажарилиши учун тузилган мол-мулк гарови, кафиллик, банк кафолати каби битимларни ҳақиқий эмас деб топиш, мол-мулкни хатловдан чиқариш, инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топиш, (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш, маънавий зарар, яъни ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар мазмунан кўриб ҳал этилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари ва давлат

солик хизмати органлари ўртасидаги иқтисодий низолар бўйича статистик маълумотларга кўра, 2018 йил давомида 80 та ҳолатдан 51 таси қаноатлантирилган бўлса, 2019 йил давомида 110 та низоли даъво аризаларининг 70 таси қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектлари фойдасига ҳал этилган.

Мазкур туркумдаги низоларнинг ошиб бораётганлиги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий билимлари юксалиб бораётганлиги билан бирга, солик органлари томонидан йўл қўйилаётган қонун бузилишлари ҳам сақланиб қолаётганлигидан далолат беради.

Одатда иқтисодий судга берилган даъво талабарининг бир қисми доим ҳам маъмурий суд томонидан солик органларининг қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган хужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топишнинг оқибати асосида юзага келавермайди.

Балки, солик органларининг қарор ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан бевосита боғлиқ бўлганда ва факат ушбу хужжатлари оқибати асосида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш мумкинлигидан ташқари ҳолатлардагина тадбиркорлик субъекти иқтисодий судга солик мажбуриятининг бажарилиши учун тузилган мол-мулк гарови, кафиллик, банк кафолати каби битимларни ҳақиқий эмас деб топиш, мол-мулкни хатловдан чиқариш, инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топиш, (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш, маънавий зарар, яъни ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаблар билан иқтисодий судга тўғридан-тўғри мурожаат қилишига асос бўлади.

Маъмурий судлар томонидан ишларни кўришдаги умумий жиҳатлар билан

бирга давлат солик органлари ўртасида оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган солик органларининг қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган хужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Чунончи, қонун чиқарувчи томонидан давлат органларининг, хусусан, солик органларининг қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган хужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилиши (ФКнинг 12-моддаси) белгиланган ва ушбу қоидага биноан, ҳуқуки бузилган тадбиркорлик субъекти ёки унинг манфаатини ҳимоя қилиб мурожаат қилаётган ваколатли тузилмалар бевосита судга мурожаат қилиши назарда тутилган.

Шунингдек, аввалги Солик кодексида давлат солик хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан давлат солик хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) шикоят қилиш мумкинлиги, юқори турувчи органга шикоят берилганини шундай шикоятни судга бериш ҳуқуқини истисно этмаслиги (123-моддаси) ҳамда солик органларининг қарорлари суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши асослари белгиланган эди (104-моддаси)⁴.

Бироқ, қонун чиқарувчи 2020 йил 1 январдан кучга кирган Солик кодекси нормалари орқали ушбу конституциявий ҳуқуклардан чекинган ҳолда «солик органининг сайёр солик текширувлари ва солик аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан» суд тартибида шикоят қилишнинг алоҳида тартиби, яъни фақат юқори турувчи солик органига шикоят қилинганидан кейингина судга мурожаат қилиш мумкинлиги билан боғлиқ қоида белгиланди (231-модданинг 4-банди). Шунингдек, қонун чиқарувчи

томонидан Кодекснинг 235-моддаси асосида, юқори турувчи солик органига солик органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан келиб тушган шикоятни кўриб чиқиши асосида «солик органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) ноконуний деб эътироф этиш» ва ишнинг моҳияти бўйича қарор чиқариш ваколатини беради.

Назаримизда, мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) ўрганиб чиқиши асосида аниқланган қонунбузилишлар ўз тасдифини топган ҳолларда уни хатти-ҳаракатини ноконунийлигини «эътироф этиш» эмас, балки фақат суд тартибида «қонунга хилоф деб топиш» мумкинлиги эътибордан четда қолган. Зоро, давлат органи мансабдор шахсининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатига нисбатан «эътироф этиш» жумласини қўллаш ноўриндир.

Зоро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси, ФКнинг 12-моддаси, МСИЮтКнинг 4-моддаси ва бошқа қонун хужжатлари давлат органларининг қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган хужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топишни суд тартибида амалга оширилиши мумкинлигини белгилайди.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан солик органларининг қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган хужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топишни суд орқали таъминлаш тартиби бу ҳуқуки бузилган субъектнинг судга ариза (шикоят) билан мурожаат қилиши орқали кўзғатилади.

Тадбиркорлик субъектларининг солик органларининг қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган хужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги судга мурожаат қилган аризасига (шикоятга)

процессуал қонунчиликда белгиланган талаблардан ташқари суд процессининг муҳим тамойили бўлган «ҳар бир шахс ўз даъвосини тегишли далиллар асосида исботлаши лозимли» қоидасига асосан қуидагиларни илова қилиши мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, низолашилаётган ҳужжатни қабул қилган солик органининг номи; низолашилаётган қарори (хужжати)нинг номи, тартиб рақами, чиқарилган санаси ва бошқа маълумотлар; аризачининг фикрига кўра, низолашилаётган қарор (хужжат) ёки унинг маълум қисми (алоҳида қоидалари) билан бузилаётган ҳукуклари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари; аризачининг фикрига кўра, низолашилаётган ҳужжат ёки унинг маълум қисмiga (алоҳида қоидаларига) мувофиқ бўлмаган қонун ҳужжатлари; аризачининг низолашилаётган ҳужжат ёки унинг маълум қисмини (алоҳида қоидаларини) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаби, шунингдек низолашилаётган ҳужжат нусхаси илова қилинади. Низолашилаётган ҳужжатнинг нусхаси бўлмаган тақдирда, аризачи ушбу ҳужжатни солик органидан талаб қилиб олиш тўғрисида судга илтимоснома билан (илтимоснома аризада ёки алоҳида аризада) ёки суд ўз ташаббуси билан солик органидан талаб қилишга ҳақлидир.

Зеро, судлар учун ҳақиқий эмас деб топилиши сўралаётган солик органи ҳужжатининг аризага илова қилинмаганлиги аризани суд томонидан қайтариши учун асос бўлмаслиги лозим, чунки ишни тўғри ҳал этиш мақсадида суд ўз ташаббуси билан далилларни талаб қилишга ваколатли саналади.

Низолашилаётган ҳужжатни чиқарган ёки унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган солик органи (туманлар бирлашиши асосида) тугатилиб, унинг вазифалари бошқа худуд солик органига

берилган ҳолда, ушбу солик органи иш бўйича жавобгар ҳисобланади. Чунки, суд ажрим билан тугатилган солик органини МСИЮтКнинг 43-моддасига мувофиқ унинг ҳуқукий вориси билан алмаштириш масаласини ҳал этиши лозим.

Тадбиркорлик субъектларининг солик мажбуриятларини ўз вақтида ва қонуний бажарилиши устидан назорат солик органлари томонидан бажарилиб, ушбу ваколатларини амалга ошириш жараёнида солик органлари билан муносабатларда юзага келаётган низоларнинг муайян қисмини солик органлари томонидан ўтказилган солик текширувлари (камерал ва сайёр солик текшируви ҳамда ўтказилган солик аудити) ҳамда солик мониторинг шаклидаги солик назоратларининг натижасида қабул қилинган қарорларга нисбатан эътиrozлардан иборат эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

Солик органлари томонидан қабул қилинган қарор, буйруқ, шу каби ҳуқукий оқибат келтириб чиқарувчи бошқа ҳужжатлар, агарда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса ёки тадбиркорлик субъектларининг ҳукуклари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузган тақдирда, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши, шунингдек шундай ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан солик органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги аризаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги судга мурожаат қилган аризасида (шикоятда) ҳуқуқи бузилган тадбиркор шикоят қилинаётган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этган солик органи мансабдор шахсининг фамилияси, исми ва отасининг исми, мансаби, у меҳнат муносабатларида бўлган

тегишли органнинг номи; шикоят қилинаётган ҳаракатлар (харакатсизлик) нимада ифодаланиши, ҳаракатлар содир этилган сана, вақт ва жой; аризачининг мансабдор шахснинг ҳаракатларини (харакатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби кўрсатилиши лозим бўлади.

Солиқ органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан судга шикоят қилинганда, аризада жавобгар сифатида мансабдор шахс эмас, балки солиқ органи (инспекция, бошқарма, қўмита) кўрсатилади. Мансабдор шахс бошқа ишга ўтган ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этилган ҳолларда ҳам у меҳнат муносабатларида бўлган солиқ органи жавобгар бўлади.

Агар солиқ органининг қабул қилинган қарори (хужжати) ва мансабдор шахсларнинг содир этилган ғайриқонуний ҳаракатлари (харакатсизлиги) туфайли зарар етказилган бўлса, ариза (шикоят)да маъмурий судга тааллуқли талабдан ташқари етказилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабни қўйганлиги ариза (шикоят)ни қабул қиласликка асос бўлиши мумкин эмас.

Чунки, ушбу зарарни ундириш бевосита маъмурий суднинг ваколатига тааллуқли бўлмаганлиги боис, ушбу талаб бўйича маъмурий судда иш юритиш тутгатилади ҳамда тадбиркорлик субъектига зарарни қоплаш, шартнома ва бошқа битимлардан келиб чикқанда битимни ҳақиқий эмас деб топиш, маънавий зарарни ундириш каби фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя усулидан фойдаланган ҳолда иқтисодий судга мурожаат қилиши имконияти мавжудлиги тушунтирилади.

Тадбиркорлик субъектининг аризаси (шикоятлари)ни судларда кўришнинг яна бир ўзига хос хусусияти ариза (шикоят)даги солиқ органларининг қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган хужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини

(харакатсизлигини) қонунга хилоф деб топишга доир талабни исботлаш мажбуриятини солиқ органининг зиммасига юклатилишидир.

Хусусан, одатда МСИЮтКнинг 67-моддаси мазмунига биноан ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътиrozларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Бироқ, маъмурий орган сифатида солиқ органларининг низолашилаётган хужжатларини, қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар кўрилганда ушбу хужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти хужжатни қабул қиласликка асос бўлган солиқ органи зиммасига, мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (харакатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги низолар кўрилганда, ушбу ҳаракатларнинг (харакатсизликнинг) қонунга мувофиқлигини исботлаш мажбурияти тегишли солиқ органининг зиммасига юклатилади.

Агарда хужжатни қабул қиласликка асос бўлган ҳолатларни, шунингдек қабул қилинган хужжатнинг ёки содир этилган ҳаракатнинг (харакатсизликнинг) қонун хужжатларига мувофиқлигини, аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслигини исботлай олмаса, ариза (шикоят) талаби қаноатлантирилади. Ўз навбатида, аризачи ҳам низолашилаётган хужжат, мансабдор шахснинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини асослаб бериши лозим бўлади.

Суд томонидан солиқ органининг хужжатини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорида мазкур тоифадаги ишларни кўришда маҳсус процессуал норма бўлган МСИЮтКнинг 189-моддасига асоссан, солиқ органининг қарори (хужжати) ёки унинг айрим қисмла-

ри ёхуд мансабдор шахси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) қонун хужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузәётганлигини аниқласа, ушбу қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас, ёхуд мансабдор шахснинг ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қиласи.

Аксинча, қарор (хужжат) ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қиласи.

Мазкур туркумдаги солик органларининг хужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ва мансабдор шахснинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари агар унинг устидан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, у қабул қилинган пайтдан эътиборан йигирма кун ўтгач, қонуний кучга киради.

Агар низолашилаётган хужжатни ҳақиқий эмас, мансабдор шахснинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги талаб билан бирга уларнинг оқибати-

ни қўллаш ҳақида талаб қўйилган бўлса, бундай талаб маъмурий суднинг ваколатига кирмаслиги боис, иш юритиш тугатилади ва унинг оқибатларини қўллашни сўраб иқтисодий судга алоҳида даъво аризаси билан мурожаат қилиш мумкинлиги тушунтирилади.

Тадбиркорлик субъектлари солик органлари ва бошқа ваколатли органларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган заарларнинг ўрнини Солик кодексининг 21-моддаси қоидаларига кўра, қопланишини белгилangan тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бугунги кунда солик органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўргасида юзага келаётган низоли масалаларни ҳал қилишнинг оқилона ечимларини излаб топиш ҳамда уни амалда татбиқ қилиш, ушбу жараёнда ҳар бир субъектнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифадир. Шу боис, процессуал ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш бўйича қонун ижодкорлиги фаолиятининг кучайтирилиши суд тизимини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқи бузилган тадбиркорлик субъектларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

**Р. БЕРДИЯРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети тадқиқотчиси**

¹Оқюлов О., Отаконов Ф.Х. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари. Монография/Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, академик, юридик фанлар доктори, профессор X.Раҳмонкулов таҳрири остида.-Т.: ТДЮИ, 2010.-13-б.

²Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда.

³Маъмурий судларнинг 2019 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти якунлари бўйича Раёсат қарори статистик маълумотномаси.

⁴Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган Солик кодекси янги таҳрирда 2020 йил 1 январда қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ СУДЛАРГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

Фуқаролик ишларининг судловга тааллуклилиги фуқаролик процессуал қонунчиликдаги асослар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисидаги Қонунида баён этилган тартиб ва қоидалар асосида белгиланади.

Тааллуклилик деганда, субъектив ҳуқуқнинг мазмуни ва ишда иштирок этувчи шахслар таркиби хусусиятидан келиб чиқиб, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун хужжатлари билан муайян давлат органлари, жамоат ташкилотлари ёки бошқа ваколатли органлар зиммасига юклатилганлиги тушунилади.

Тааллуклилик шахсларнинг судга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқларини юзага келтирадиган юридик шартлардан бири эканлиги унинг фуқаролик процессуал ҳуқуқининг асосий институтларидан бири ҳисобланишини кўрсатади.

Тааллуклилик турли ваколатли органлар ўртасида ҳуқуқий ишларни унинг тузи ва бошқа хил белгилари орқали ажратиб берадиган мустақил ҳуқуқий ва илмий тоифа сифатида ҳам эътироф этилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуки назариясида тааллуклилик қуидаги турларга ажратилиши баён этилади:

- мустасно;
- муқобил;
- шартномавий;
- шартли (императив) тааллуклилик.

Мустасно тааллуклилик. Фуқаролик, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган аксарият низоли ишлар бевосита судларга тааллукли бўлиб, бошқа органлар томонидан мазмунан кўрилиши мумкин эмас. Тааллуклиликнинг бундай тури мустасно тааллуклилик деб номланади.

Мустасно тааллуклиликка мувофиқ низоли ишни судда кўриб ҳал қилиш учун судга қадар у ёки бу органларда мазкур ишнинг кўрилиши талаб этилмайди. Масалан, ходимни ишга тиклаш, вояга етмаган фарзандлари бўлган эр ва хотинни никоҳдан ажратиш, тураржойга нисбатан берилган ордерни ҳақиқий эмас деб топиш ва шу каби кўплаб фуқаролик ишлари мустасно тааллуклиликка мисол бўла олади.

Муқобил тааллуклиликка кўра, субъектив ҳуқуқ тўғрисидаги низо манфаатдор шахсларнинг хоҳишига кўра судда ёки бошқа давлат органлари ёки жамоат ташкилотларида кўрилиши мумкин.

Шартномавий тааллуклилик муқобил тааллуклиликка ўхшаб кетади. Бунда ҳам тарафлар низони ҳал этиш ваколатига эга бўлган органни танлаш имкониятига эга бўладилар. Фақат бу ерда низони қайси органда кўрилишини тарафлар ўзаро келишиб белгилайдилар. Масалан, тарафлар юзага келган низони ҳал қилишни ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битимини тузишлари шулар жумласидандир.

Қонун хужжатларида ёки шартномаларда назарда тутилган айрим ҳолларда ишлар даставвал судга қадарли бошқа органларда кўрилганидан кейингина судга тааллукли бўлади. Бундай тааллуклилик тури шартли тааллуклилик деб номланади.

Судга тааллукли ишлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 26, 27-моддаларида белгиланган асосларга кўра аниқланади. Ушбу моддаларга асосан судларга қуидаги ишлар тааллукли бўлиши мумкин:

1) фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар мустасно;

2) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)нинг 293-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар;

3) ФПКнинг 18-бобида кўрсатилган ва буйруқ тартибда ҳал этиладиган ишлар;

4) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ва ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варакаси бериш ҳақида ишлар;

5) чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога

қаратиш тўғрисидаги ишлар;

6) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиб тўғрисидаги ишлар;

7) ўзаро боғлиқ бир нечта талабнинг судга тааллуқлилиги.

Ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судга тааллуқлилиги Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қоидалари бўйича белгиланади. Оила кодексининг 11-моддасига кўра, оиласвий ҳуқуқларни химоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, вайслик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади. Хусусан, Оила кодексининг 38-моддасига кўра, никоҳдан ажратиш суд тартибида, ушбу Кодекснинг 42 ва 43-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади (Оила кодексининг 80-моддаси). Шунингдек, ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) дъявосига биноан суд тартибида амалга оширилади (Оила кодексининг 82-моддаси).

Фуқаролик ишларининг, хусусан, меҳнат низоларининг тааллуқлилигини белгилашда, аввало, низонинг қайси турда эканлигини, якка тартибдаги низо бўлса, унинг хусусиятини; меҳнат конунчилигини қўллаш ёки янги меҳнат шартларини белгилаш бўйича ва яна қайси ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқанини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда ҳал қилиниши ходимлар ва меҳнат жамоаларининг меҳнат ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишига, бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларининг тикланишига асос бўлади. Бу борада меҳнат низоларининг қандай органлар томонидан кўриб чиқилиши масаласини тўғри ҳал этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бевосита фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (шахар) судларида кўрилиши лозим бўлган меҳнат низоларининг рўйхати Меҳнат кодексининг 269-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, меҳнат низолари қуйидаги ҳолларда бевосита туман (шахар) судларида кўриб чиқилади:

1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;

2) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларида қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вакти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳак тўланадиган ишни бажарган вакт учун ҳак тўлашга доир бўлса;

3) улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса;

4) улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

5) улар ушбу Кодекс 78-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса;

6) улар иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиқсан бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган меҳнат низоларидан бошқа низолар ҳам ходимнинг хоҳишига кўра бевосита туман (шахар) судларида кўрилади.

Мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахс етказган зарар иқтисодий низони кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, иқтисодий судлар томонидан ҳам кўриб чиқилади.

Шунингдек, иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиқсан меҳнат низолари ҳам бевосита судлар томонидан кўриб чиқилишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Фуқаролик ишлари бўйича судларга ҳуқук тўғрисида низо бўлмаган, алоҳида тартибида юритиладиган фуқаролик ишлари ҳам тааллуқли бўлади.

ФПКнинг 293-моддасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан алоҳида иш

юритиш тартибда кўриладиган ишларга қуйидагилар киради:

- 1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги;
- 2) болани фарзандликка олиш (бундан буён матнда фарзандликка олиш деб юритилади) ҳақидаги;
- 3) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги;
- 4) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги;
- 5) шахсни ғайрихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;
- 6) шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимiga ғайрихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;
- 7) вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) тўғрисидаги;
- 8) мол-мulkни (ашёни) эгасиз деб топиш ҳақидаги;
- 9) тақдим этувчига деб берилган хужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш) тўғрисидаги;
- 10) йўқолган суд ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги.

ФПКнинг 27-моддасига кўра, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилганда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши керак.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса, маъмурӣ судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилганда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши кераклиги белгиланиб кўйилган.

Шу ўринда мазкур масалага атрофлича тўхталар эканмиз, амалиётда судга тааллуқлилик масаласида учраётган айrim муаммоларни ҳам таъкидлаб ўтишни жоиз деб хисоблаймиз.

Хусусан, бугунги кунда амалиётда судларга туғилғанликни қайд этиш масаласида аризалар келиб тушмоқда.

Бунда, жойлардаги Васийлик ва ҳомийлик органлари Ўзбекистон Республикаси «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Конунининг 12-моддасига асосан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳукуклари, эркин-

ликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан белгиланган тартибда ариза билан судга мурожаат қилиб, фуқаро 17 ёшга тўлганлигини, топиб олингандигини, ўша вақтда фуқарони туғилғанлиги ҳолати бўйича тиббий маълумотнома олинмаганлиги ёхуд сақланиб қолмаганлигини, ўз навбатида манфаати кўзланиб ариза берилган фуқаронинг ота-онаси ҳам вафот этганлиги билдирилиб, фуқаронинг туғилғанлигини қайд этишни сўрамоқдалар.

ФПКга кўра, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан боланинг у ёки бу онадан туғилғанлиги, шунингдек туғилган вақти фактини белгилаш назарда тутилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурӣ суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 189-моддасида маъмурӣ судлар томонидан карор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига тегишли мажбуриятларни юклаши кўрсатиб ўтилган.

Шунга кўра, мазкур ҳолатларга аниқлик кириктган ҳолда келгусида мазкур тоифадаги аризалар қайси суд томонидан иш юритувга қабул қилиниб ҳал этилиши, бунда қонун таълебидан келиб чиқиб тегишли туман ФХДЁ органларига мажбурият юлаш масаласини ҳал этиш тартибига тушунтириш бериш лозим бўлади.

ФПКнинг 270¹-моддасига кўра, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари бўйича, мазкур бобда белгиланган ҳусусиятлар инобатга олинганд ҳолда суд томонидан кўриб чиқилади.

Бироқ, айrim ҳолатларда маъмурӣ судлар томонидан ўқув муассасалари (университет, институт ва бошқалар), банк раҳбарларининг ҳаракатлари юзасидан киритилган шикоятларни маъмурӣ судларга тааллуқли эмаслиги важлари билан мурожаат муаллифига қайтариш ҳолатлари учрамоқда.

Шунга кўра, мазкур ҳолатга ҳам аниқлик киритилиб, келгусидаги мазкур тоифадаги шикоятлар қайси судлар томонидан ҳал этилиши масаласида тушунтириш берилиши лозим.

**С. ЖЎРАБОЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Наманганд вилоят суди судьяси**

ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қурилишга оид муносабатлар доимо фуқаролик муюмаласи иштирокчилари-нинг диққат марказидаги масалалардан ҳисобланади. Зеро, бунда инсонларнинг қурилиш орқали уй-жой, кўчмас мулк, ишлаб чиқариш орқали тадбиркорлик фанологияни амалга ошириш ва бошқа эҳтиёжларини қондириш имконияти мавжуд.

Хозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий, қулай, зарур жиҳозлар билан таъминланган майший хизмат кўрсатиш, дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғлиқни сақлаш учун турли хил иншоот ва бинолар, билим масканлари, бозор ва дўконлар, кенг ва равон йўллар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Ушбу обьектларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш бевосита қурилиш пудрати шартномалари воситасида амалга оширилади.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шароитида ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги муаммоларни ўрганиш, қурилиш пудрати шартномасининг бошқа шартномалардан фарқи ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшилашишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш

ҳамда модернизация қилиш билан боғлиқ бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Қайд этиш лозимки, қурилиш пудрати шартномаси гарчи мустақил шартнома конструкцияси сифатида Фуқаролик кодексида (кейинги ўринларда ФК) белгиланган бўлса-да, бошқа пудрат шартномалари билан алоқадор ҳолда тузилиши кузатилади. Шу боисдан, юридик адабиётларда лойиҳа ва қидирув ишларини бажаришга қаратилган шартномаларнинг ҳуқуқий табиати тўғрисида турли хил нуқтаи назарлар шаклланган. Айрим олимларнинг фикрича, лойиҳалашга оид шартномалар қурилиш пудратига оид шартномавий муносабатларнинг элементларидан бири ҳисобланади. Бошқа муаллифларнинг фикрича эса, лойиҳа ва қидирув ишлари қурилиш обьектини яратиш, қайта қуриш ва таъмирлашдан олдин амалга оширилади. Лекин, барибир қидирув ишлари худудни, унинг рельефи ва тупроғини маҳсус ўрганиш орқали амалга ошириш учун техник хужжатларни ишлаб чиқишини назарда тутганлиги сабабли, шартноманинг маҳсус предмети бўлиб ҳисобланади.

В. Ф. Попондупулонинг таъкидлашича, мазкур шартнома предметининг ўзига хос хусусияти унинг техник хужжатларини ишлаб чиқиш, қидирув ишларини бажариш ҳамда натижасини буюртмачига топширишда намоён бўлади.

Фикримизча, лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномасининг алоҳида тури ҳисобланиб, лойиҳа ва қидирув ишлари қурилиш пудратига оид муносабатлар учун

асос бўлса-да, уни амалга оширишнинг ўзи алоҳида шартномавий жараёндир. Мазкур шартноманинг предметини бошқа пудрат шартномаларидан фарқи, пудратчининг фаолиятини ўзгартиришг, моддий ашё объектларининг белгиларини яратиш, ўзгартириш ёки йўқ қилишга қаратилмаганидир. Бошқача қилиб айтганда, шартноманинг предметини пудратчи томонидан тайёрланадиган ва буюртмачига топшириладиган, қидирув ишлари натижаси ҳисобланган лойиха ва қидирув ишлари ташкил этади.

Шунингдек, юридик адабиётларда пудрат шартномаси ва меҳнат шартномаси ўртасидаги нисбатни ва унинг ўзига хослигини аниқлашга ҳаракат қилинади. Жумладан, айrim мутахассислар пудрат шартномаси ва меҳнат шартномаси ўртасидаги фарқни аниқлаш учун шартнома хусусиятларини таҳлил қилиш, мазкур шартномаларга хос белгилар нисбатини аниқлаш кераклигини таъкидлайди. Бошқа муаллифлар эса, айrim ҳолатларда ҳуқуқни қўлловчидаги меҳнат ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатларга нисбатан фуқаролик ҳуқуқи нормаларини субсидиар қўллашга хоҳиш борлигини таъкидлашади.

Фикримизча, меҳнат ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатларга нисбатан фуқаролик ҳуқуқи нормаларини субсидиар қўллаш бу қонун чиқарувчининг ўзига хос ёндашувиdir. Чунки, ФКнинг 2-моддасига кўра, фуқаролик қонун ҳужжатлари бу муносабатлар, яъни меҳнат муносабатлари бўйича маҳсус қонунлар билан тартибга солинмайдиган ҳолларда қўлланилади.

Қонун чиқарувчи томонидан шартномани алоҳида конструкция сифатида кўрсатилиши бу қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан ўзини оқлаши лозим. Ҳар қандай шартномани, айниқса, фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни бир-биридан фарқлашда албатта унинг предмети, субъектлари, тарафларнинг мажбуриятлари, мақсади ва

бошқа мезонларни қўллаш талаб қилинади.

Лойиха ишларини бажаришга оид шартномани тавсифлаш жараёнида қонун чиқарувчи лойиха ҳужжатларининг техник тавсифини аниқ қайд этган бўлиб, бу ҳолат мазкур шартномани илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажаришга қаратилган шартномалардан фарқлаш имконини беради. Лекин, амалиётда бундай натижани олиш имконияти муаллифлик ҳуқуқига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинишига олиб келиши мумкин, буни эса шартноманинг шартларини шакллантиришда ҳисобга олиш керак.

Шартноманинг томонлари сифатида буюртмачи ва пудратчи (қидирувчи) қатнашади. Давлат бюджети асосида амалга ошириладиган лойиха ва қидирув ишларини бажариш шартномаси бўйича буюртмачи сифатида марказлаштирилган маблағлар хисобидан молияланадиган ваколатли давлат органлари иштирок этиши мумкин.

Пудратчи сифатида мазкур фаолиятни амалга ошириш учун тегишли ваколатга эга бўлган лойиҳаловчи (қидирувчи) ташкилотлар амалга оширади. Баъзи ҳолларда лойиха ва қидирув ишлари пудрати ва қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи бўлиб бир шахс иштирок этиши ҳам мумкин. Бунда, қурилиш пудрати шартномасини тузишда тарафлардан бири – пудратчи ёки буюртмачи зиммасига келишилган муддатда қурилишнинг лойиҳасмета ҳужжатларини тайёрлаш ва иккинчи томонга танишиб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим қилинади. Одатда лойиҳалаш ва қидирув ишлари тегишли объекти қуришга нисбатан мураккаб ва алоҳида малака ҳамда билим талаб қилганлиги учун бундай фаолият билан маҳсус муассасалар шуғулланадилар.

ФКнинг 666-моддасида қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартнома-

да белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олиши белгиланган.

О. Т. Элимовнинг фикрича, шартнома баҳоси бажарилган ишларга мос келиши зарур. Гарчи тўлов турли шаклларда амалга оширилса-да, баҳо ҳар доим пул кўринишида бўлади. Шартномада бажариладиган ишларнинг баҳоси ёки уни аниқлаш методи кўрсатилади. Тегишли кўрсатма бўлмаганда, баҳо суд томонидан бундай ишларга қўйиладиган одатдаги баҳодан келиб чиқиб бозор қийматида аниқланади. Баҳони шакллантиришда тарафлар томонидан қилинган харажатлар ҳисобга олинади.

Айrim мутахассислар шартномани ажратиб турувчи муҳим жиҳат сифатида унинг предметини назарда тутади. Меҳнат шартномаси бу доимий равишда меҳнат функцияларини бажариш, пудрат шартномасида эса бу амалга оширилган ишларнинг моддий натижасидир. Пудрат муносабатларида пудратчи буюртмачининг муайян топшириғини бажаради ва бу шартнома тузилган вақтда аниқланади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда, яъни пудрат шартномасида муайян натижага муҳим, меҳнат шартномасида эса, бу меҳнат жараёни ҳисобланади.

Шартнома шартларининг келишиб олинмаганлиги уларнинг йўқлигини эмас, балки ноаниқ ва тўлиқ бўлмаган шартларни шакллантирилганлигини кўрсатади. Қурилиш пудрати шартномасида судларбарча зарур хужжатларни, уларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларга мослигини текширади.

АННОТАЦИЯ

Мақола қурилиш пудрати шартномасининг ўзига хос хусусиятларига бағишлиланган. Муаллиф Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувоғик қурилиш пудрати шартномасининг хусусиятларини ҳамда унинг бошқа шартнома конструкцияларидан фарқини таҳлил қиласди. Шунингдек, муаллиф томонидан ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ, Германия, Франция ва бошқа Европа мамлакатларининг қонунчилиги ҳам алоҳида ўрганилган. Мақола якунида муаллиф қурилиш пудрати шартномасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича асосланган хулосаларга келади ва таклифларни илгари суради.

Калит сўзлар: пудрат, қурилиш пудрати шартномаси, қурилиш пудрати шартномасининг хусусияти, шартнома шартлари, хорижий мамлакатлар тажрибаси, муҳандислик ташкилоти.

Статья посвящена особенностям договора строительного подряда. Автором анализируются особенности и отличия договора строительного подряда с другими договорными конструкциями согласно законодательству Республики Узбекистан. Также автором отдельно изучены опыт законодательства развитых стран, таких как США, Германия, Франция и других Европейских стран. В заключении автором дается обоснованное заключение по совершенствованию правовых основ договора строительного подряда.

Ключевые слова: подряд, договор строительного подряда, особенности договора строительного подряда, условия договора, опыт зарубежных стран, инженерная организация.

The article is devoted to the features of a construction contract. The author analyzes the features and differences of the construction contract with other contractual structures in accordance with the legislation of the Republic of Uzbekistan. Also, the author separately studied the experience of the legislation of developed countries, such as the USA, Germany, France and other European countries. In conclusion, the author gives reasonable conclusions on improving the legal framework of a construction contract.

Key words: contract, construction contract, features of the construction contract, terms of the contract, experience of foreign countries, engineering organization.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида қурилиш ишларини «тайёр ҳолда» топшириш амалиёти, яъни объектни ишлашга тайёр ҳолда топшириш кенг тарқалган. 2014 йил 1 январдан кучга киритилган Чехия Республикасининг Фуқаролик кодексининг «Ишлар» деб номланган 8-қисмида пудрат шартномасининг умумий қоидалари назарда тутилган бўлса, унинг 3-бўлимида қурилиш пудратининг ўзига хос хусусиятлари белгиланган. Унда ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқини белгилаш мақсадида қурилиш учун шартнома тузилиши кўрсатилган.

Россия Федерациясининг 1995 йил 22 декабрдаги Фуқаролик кодексининг 763-768-моддалари, Белорусиянинг 1998 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодексининг 718-722-моддалари бевосита пудрат ишларини бажаришга қаратилган нормаларни ўзида мужассамлаштирган.

Франция Фуқаролик кодексига кўра, шартнома бу келишув бўлиб, унга кўра бир ёки бир нечта шахс бошқа шахс ёки шахсларга бирон бир нарсани топшириш ёки бирон бир ишни бажариш мажбуриятини олади.

Германияда бундай муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади, шунингдек федерал, ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органлари ва уларга бўйсунувчи муассаса ҳамда ташкилотлар ўз фаолиятларини амалга оширишда бюджет ҳуқуқ нормаларига ҳам риоя қиласилар. Давлат буюртмалари ва давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлар Германия Федератив Республикасининг Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади. Бундай меъёрий ҳужжатлар сифатида 1994 йил 22 февралдаги «Давлат буюртмаларини тақсимлаш тўғрисида»ги, 1996 йил 3 июлдаги «Қурилиш ишларига нисбатан давлат буюртмалари тўғрисида»ги, 1997 йил 12 майдаги «Пудрат ишларига нисбатан давлат буюртмалари тўғрисида»ги

низомлар муҳим аҳамиятга эга.

Европа мамлакатларининг фуқаролик қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу мамлакатлар қонунчилигига қурилиш пудрати шартномаси алоҳида ҳуқуқий тартибга солишга эътибор қаратилмасдан, балки пудрат шартномаларини тузиш ва бажаришга доир умумий қоидаларни белгилайди. Бу ўринда О.В.Захаркив айrim мамлакатларда эса, қурилиш пудрати шартномаси ҳақида қоидалар мавжуд эмас. Шу боисдан қонунчиликка киритиш шубҳали бўлиб қолади, деб ҳисоблайди.

Назаримизда, МДҲ мамлакатлари, хусусан Россия Федерацияси, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда пудрат шартномасининг алоҳида турларини назарда тутилиши мавжуд ҳолатга мос келади. Умумий қоидалардан ташқари маҳсус қоидаларнинг мавжудлиги ушбу муносабатни тизимли тартибга солишга имкон беради. Бироқ, пудрат муносабатларига доир маъмурий ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаддан зиёд кўплиги фуқаролик муомаласи барқарорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2016 йил 23 декабрдаги «Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда конун ҳужжатларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида»ги 306-сонли қарорининг 2.1-бандида кўрсатилишича, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган деб ҳисобланшини инобатга олишлари лозим. Шу муносабат билан, агар қурилиш пудрати шартномасида муҳим шартлар назарда тутилмаган бўлса ҳамда ушбу шартларни белгилаш имконияти бўлмаса, бундай шартнома тузилмаган деб ҳисобланади. Бу ҳолатда судлар низони ҳал этишда шартномадан ташқари

мажбуриятларни тартибга солувчи қоидаларни қўллашлари лозим.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қурилиш пудрати шартномасининг ўзига хос хусусияти сифатида унинг предмети қурилиш ишларини бажариш муддати ҳамда тарафларнинг мажбуриятларида намоён бўлади. Ушбу ўзига хослик шартноманинг муҳим шарти сифатида унда ифодаланиши лозим. Бунда, қурилиш пудрати шартномасининг бажарилиши натижаси албатта ашёвий кўринишга (таъмиглаш ишлари, бино, завод ёки фабрика қурилиши ва ҳ.к.) эга бўлиши шарт.

Фикримизча, қурилиш пудрати шартномаси йирик инвестициялар, моддий ресурсларни талаб қилганлиги сабабли ўзаро тузиладиган шартномалар учун тегишли ҳужжатларни тақдим этишга доир талаб қонунчиликда назарда тутилиши зарур. Чунки, ноаниқлик ёки зарур норманинг мавжуд бўлмаслиги турли тушунмовчиликлар, низоларни юзага келтириши мумкин.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида гарчи пудрат шартномасига доир сифат ҳақида умумий қоидалар, масалан, қурилиш ишларининг хавфсизлиги (ФКнинг 668-моддаси), объектни суғурталаш (ФКнинг 669-моддаси), ишнинг сифати учун пудратчининг жавобгарлиги (ФКнинг 681-моддаси), қурилиш пудрати шартномасида сифат кафолатлари (ФКнинг 682-моддаси) мавжуд бўлса-да, қурилиш пудрати шартномаси бўйича сифатни таъминлашга доир алоҳида қоидалар белгиланмаган. Буюртмачи қурилиш борасида алоҳида билимларга эга бўлмаганлиги сабабли лойиҳа ва қурилиш ишларини амалга оширишга доир шартлар билан тўлиқ танишиш имкониятига эга эмас. У ҳолда қурилиш ишининг сифати, сифат кафолатларини текшириш қандай амалга оширилади? деган ўринли савол туғили-

ши табиий.

Бундай ҳолларда одатда пудратчи «ёрдами» зарур бўлади. Бироқ, пудратчи шартнома бўйича ўз манфаатини ифода этади. Шу боисдан, буюртмачи номидан назоратни амалга оширувчи субъект билан ҳам шартнома тузиш зарурати юзага келади. Одатда, бундай функцияни инженер ташкилотлар амалга ошириши зарур. Пудратчи томонидан амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш учун буюртмачи ва инженер ташкилоти ўртасида шартнома тузилиши, инженер ташкилотининг мажбуриятлари ва вазифалари белгиланиши зарур. Бунда, инженер ташкилот фақатгина буюртмачи вакили сифатида эмас, балки мустақил шахс сифатида қурилиш ишлари пудрати шартномаси бўйича сифатни таъминлаши, буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги техник хусусиятга эга масалаларни ҳал қила олиши керак.

Фикримизча, ФКга куйидаги мазмундаги 676¹-моддани киритиш мақсадга мувофик:

«676¹-модда. Буюртмачининг ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажаришда инженер (инженер ташкилоти)нинг иштироки.

Буюртмачи қурилишда ишларнинг бажарилишини текшириш ва назорат қилиш ҳамда пудратчи билан муносабатларда қарор қабул қилиш мақсадида пудратчининг розилигисиз мустақил равишда хизматларни кўрсатувчи тегишли инженер (инженер ташкилоти) билан шартнома тузиши мумкин. Бундай ҳолларда қурилиш пудрати шартномасида мазкур инженер (инженер ташкилоти) нинг функциялари, пудратчи учун унинг ҳаракатлари билан боғлиқ оқибатлар белгиланади».

**О. ДАДАХОДЖАЕВ,
Хўжаобод туманлараро
иқтисодий суди судья ёрдамчиси**

ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР

Фуқаролик ҳукуқларини ҳимоя қилиш усулларидан бири заарни ундириш ҳисобланиб, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган заар, юридик шахсга етказилган заар, шу жумладан, бой берилган фойда заарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК) 985-моддасининг биринчи қисми).

Хуқуқи бузилган шахс уни тиклаш билан биргалиқда, у томонидан олиниши мумкин бўлган, аммо ҳукуқбузарнинг ҳаракати натижасида олинмай қолган фойданни, яъни бой берилган фойданни талаб қилиш ҳукуқига ҳам эга.

Зарар моддий ва номоддий турларга бўлинниб, моддий заар сирасига шахснинг соғлигига, ҳаётига етказилган заар, шунингдек мол-мулкига етказилган заар кирса, номоддий заар унга етказилган маънавий заар бўлиб, шахснинг шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътиборига етказилган заар ҳисобланади.

Юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган заарни қоплайди.

Бошқа шахс (меҳнат мажбуриятларини бажараётган ходим, транспорт воситасини бошқарувчи шахс ва ҳ.к.) томонидан етказилган заарни тўлаган шахс бу шахсга нисбатан, агар қонунда бошқача миқдор белгиланмаган бўлса, тўланган товон миқдорида қайта талаб қилиш (регистр) ҳукуқига эга.

Зарар етказган шахс етказилган заар

унинг айби билан етказилмаганлигини исботласа, қонунда аниқ белгиланган ҳолатлардан ташқари заарни тўлашдан озод қилинади.

Давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган хужжат қабул қилиниши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган заарнинг ўрни давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши лозим. Бундай заарнинг ўрни давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Зарар қайси давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган бўлса, суднинг қарори билан заарнинг ўрнини қоплаш ушбу органлар мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилиши мумкин (ФК 985-моддасининг биринчи қисми).

Юридик ва жисмоний шахс ўзига етказилган заар қопланишини талаб қилиш ҳукуқига эга бўлиб, суднинг заарни қоплаш тўғрисида қонуний кучга кирган қарори заар қопланиши учун асос ҳисобланади.

Жумладан, «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига кўра, нотариус ўз мажбуриятларини бузганлиги учун қонунда назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Давлат нотариал идорасининг нотариуси томонидан ўз мажбуриятларини бузганлиги

оқибатида етказилган заарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланадиган тартибда давлат томонидан қопланади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус нотариал ҳаракатлар орқали қонунни бузганлиги натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарар учун, агар ушбу моддада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мулкий жавобгар бўлади.

ФК 1001-моддасининг 1-бандига кўра, бошқа шахс (мехнат мажбуриятларини бажараётган ходим, транспорт воситасини бошқарувчи шахс ва ҳ.к.) томонидан етказилган зарарни тўлаган шахс бу шахсга нисбатан, агар қонунда бошқача миқдор белгиланмаган бўлса, тўланган товон миқдорида қайта талаб қилиш (регресс) хукуқига эга.

«Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган заарни қоплаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-бандига асосан, зарар давлат томонидан кейинчалик нотариусга тўланган қоплаш миқдорида аксинча талаб (регресс) қўйилган ҳолда бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади.

Адлия бошқармаси томонидан қопланган сумма кейинчалик аксинча талаб (регресс) тартибида нотариусдан ундириб олиниши керак.

Шунингдек, қонунга хилоф тарзда хукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўллаш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни тўлаган давлат бундай шахсларнинг айби суднинг қонуний кучга кирган хукми билан аниқланган ҳолларда, бу шахсларга нисбатан регресс даъво билан ундиришга ҳақли.

айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла хажмда тўланади. Суднинг қарори билан заарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни тўлаган давлат бундай шахсларнинг айби суднинг қонуний кучга кирган хукми билан аниқланган ҳолларда, бу шахсларга нисбатан регресс даъво билан ундиришга ҳақли.

Ходим меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида келтирган зарарни қоплаш бўйича мажбурият ташкилотнинг мажбурияти ҳисобланади. ФКнинг 989-моддасига мувофиқ юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган зарарни қоплайди.

Яъни, ўз лавозим мажбуриятларини бажараётганда ҳайдовчи ходим айби билан бошқа шахсларга етказилган зарарни қоплаш бўйича мажбурият дастлаб иш берувчига юклатилади.

ФК 1001-моддасининг биринчи қисмида бошқа шахс (мехнат мажбуриятларини бажараётган ходим, транспорт воситасини бошқарувчи шахс ва ҳ.к.) томонидан етказилган зарарни тўлаган шахс бу шахсга нисбатан, агар қонунда бошқача миқдор белгиланмаган бўлса, тўланган товон миқдорида қайта талаб қилиш (регресс) хукуқига эга.

Кўрсатилган бу қоида маънавий зарар етказилган ҳолатларга ҳам татбиқ қилинади (Олий суд Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарорининг 5-банди).

Зарар жиноят ёки эҳтиётсизлик оқибати-

да, шартнома мажбуриятини бажармаганлик ёхуд тўлиқ бажармаганлик оқибатида вужудга келиши мумкин.

Шартномавий муносабатларда шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳолатларида томонларнинг жавобгарлиги масаласи мухим ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессувал кодексининг 324-моддасига кўра, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Зарар турли шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Зарар етказувчи шахснинг ёшига, соғлиги ҳолатига қараб жавобгарлик мажбурияти ўзгаради.

Кичик ёшдаги болалар, яъни 14 ёшгача бўлган болалар томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси ёки васийлари зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган бола етказилган зарар учун мустакил жавобгар бўладилар.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахснинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки бўлмаса, зарар тўлиғича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаганнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийи томонидан, агар улар зарар ўзларининг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, тўланиши керак.

Кодекснинг 996-моддасига кўра, муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни унинг васийи ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган ташкилот, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, тўлади. Шунингдек, муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқаро томони-

дан спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш оқибатида етказилган заарни унинг ўзи умумий асосларда тўлади.

Зарар кўрган тараф унга етказилган зарар қийматини натура шаклида аслича қоплаш (ўшандай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш ва хоказо) ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклашни талаб қилиши мумкин. Даъвогар зарар етказган шахсадан унга етказилган зарардан ташқари маънавий зарарни ва бой берилган фойдани талаб қилишга хақли.

Маънавий зарар пул билан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби дарajasiga қараб суд томонидан аниқланади. Заарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналиқ ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим.

Кодекснинг 72-моддаси талабларига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Ушбу асосда зарар мавжуд далиллар билан исботланган қисми бўйича ундирилади.

Маънавий зарар эса, тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар қопланади.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

**Ш. МУРОДУЛЛОЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Самарқанд вилоят
суди судьяси**

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ВА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ИНСТИТУЛариНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Давлат эҳтиёжлари хилма-хил бўлиб, у ўзида моддий ва номоддий неъматларга бўлган эҳтиёжларини назарада тутади: кўчар ва кўчмас мол-мулк, табиий ресурслар, интеллектуал фаолият, илмий тадқиқот, лойиҳа ва қидирув ишлари натижалари, тиббий, юридик ва бошқа хизматларни кўрсатиш, ижтимоий маданий аҳамиятдаги биноларни қуриш, инфраструктура обьектларини яратиш ва ҳоказо. Шу ўринда, давлат-хусусий шериклик ва давлат харидлари институти-нинг алоқадорлигини илмий таҳлил қилиб ўрганиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Давлат харидлари қўпгина давлатларда давлат-хусусий шерикликнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Бироқ, ушбу тушунчаларнинг моҳиятига баҳо беришда яқдил фикрлар мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида, давлат-хусусий шериклик ва давлат харидлари институтлари ўзаро муносабатларини илмий таҳлил қилиб ўрганиш, соҳадаги қонунчилик базасини такомиллаштириш, ҳокимиятнинг суистеъмолчиликларга йўл қўйиш имкониятларини камайтириш ва инвестиция муҳитини янада яхшилашга хизмат қиласди.

Юридик ва иқтисодий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдиги, «давлат-хусусий шериклик» ва «давлат харидлари» институтларининг ўзаро боғлиқлиги юзасидан яқдил фикрлар мавжуд эмас. Давлат-хусусий шерикликнинг шакли ва турлари хақида ягона тушунча мавжуд бўлмаган пайтда, ўзида турли хил назарий қарашлар, айрим муаммолар, масалалар ва уларни ҳал қилиш юзасидан таклифларни ўзида мужассамлаштир-

ган тадқиқот натижалари шаклланди.

Илмий адабиётларда «давлат-хусусий шериклик» ва «давлат харидлари» тушунчаларининг ўзаро нисбати тизимлилик, яхлитлик, назарий, тарихийлик ёндашувлари асосида таҳлил қилинган¹.

Олимлар А.В. Белицкая, А.Еганянларнинг фикрича, давлат харидлари давлат буюртмалари давлат-хусусий шериклик институтидан мустақил бўлиб, унинг шакли ҳисобланмайди, яъни биринчидан, давлат харидларидан фарқли равишда давлат-хусусий шерикликда молиялаштириш хусусий шерик томонидан амалга оширилади, иккинчидан, давлат-хусусий шерикликда хавф шериклар ўртасида таҳсиланиши назарда тутилади, учинчидан, давлат-хусусий шериклик узок муддатли характер касб этади, тўртингидан, хусусий шерик нафакат обьектни яратишида, балки ундан фойдаланишида ва унга хизмат кўрсатишида ҳам иштирок этади².

Олимлардан И.И.Смотрцикская, Л.М. Пахомова эса, давлат-хусусий шериклик ва давлат харидларига яхлитлик нуқтаи назаридан қараб, давлат харидларини давлат-хусусий шерикликнинг мураккаблашган механизмининг бир қисми сифатида талқин қилишади³.

Давлат харидлари ва давлат-хусусий шериклик институтларининг ўзаро нисбати ҳакида фикр юритганда, иккаласи ҳам узок муддатга мўлжалланган давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар ва давлат-хусусий шерикликнинг устувор лойиҳаларини рағбатлантириш унсурлари сифатида намоён бўлади. Амалиёт шуни кўрсатдиги, бир қанча давлат эҳтиёжлари учун товар-

лар етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга оид шартномалар давлат-хусусий шериклик институтининг механизмларидан фойдаланишини назарда тутмайди. Улар аксарият ҳолатларда бозорда кўп ҳажмда мавжуд бўлган стандарт маҳсулотларни харид қилиш билан боғлиқ шартномалар бўлиб ҳисобланади.

Бироқ, давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларни ижро этишда биргаликдаги молиялаштириш назарда тутилган ҳолларда хусусий шерикларнинг маблағларини, шартномаларни ижро этишда пудрат ва ёрдамчи пудратчилар механизмлари, давлат ва хусусий субъектларнинг интеллектуал ва молиявий активларини жалб этиш ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, узоқ муддатли илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик шартномаларини реализация қилишда инновация лойихаларини яратиша давлат-хусусий шерикликнинг айрим шакллари вужудга келиши мумкин. Айрим муаллифлар, давлат харидларини давлат-хусусий шерикликнинг тендер босқичи деб ҳисоблашади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлат харидлари институти давлат-хусусий шериклик институтидан алоҳида бўлиб, унинг хукуқий нормаларини тўғридан-тўғри давлат-хусусий шерикликка оид муносабатларга татбиқ этиб бўлмайди. Мазкур институтларнинг умумий белгилари ҳақида фикр юритадиган бўлсак: тарафлардан бири оммавий-хукуқий тузилма бўлиб ҳисобланади; бюджет (давлат) маблағларини сарф этилишини назарда тутади; мақсади давлат эҳтиёжларини таъминлашга ёки давлат функцияларини амалга оширишга хизмат қиласди; шартнома кўп ҳолларда танлов натижаларига кўра тузилади⁴.

Шуни қайд этиш керакки, «давлат-хусусий шериклик»нинг чукур таҳлил этилиши давлат харидлари тушунчаси билан аралаштириб юбормаслик учун ҳам мақсадга

мувофиқ эмас. Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги мураккаб ижтимоий-иктисодий конъюнктура давлатнинг оммавий инфраструктурага хусусий инвестицияларни жалб қилиш учун барча механизмларни амалга оширишни талаб этмоқда. Давлат-хусусий шериклик - давлатнинг маълум бир инфраструктура обьектларига эҳтиёж бўлганда ва ушбу лойихани амалга ошириш учун хусусий инвестицияларни жалб қилмасдан амалга оширишнинг имкони мавжуд эмаслиги, яъни бюджет маблағларининг этишмаслиги ҳолати бўлганда ишлайди. Агар бюджетда етарли имкониятлар мавжуд бўлса, унда давлат давлат буюртмаларининг аутсорсинг моделини қўллаган ҳолда арzon хусусий операторларни жалб қилиши қулай бўлиб ҳисобланади⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 1.2-бандида мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш зарурлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги «Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг хукуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан, Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. У давлат муасасаси мақомига эга бўлиб, юртимизда давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича маҳсус ваколатли орган ҳисобланади.

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган асосий тушунчаларга кўра, давлат-хусусий шериклик давлат шериги ва хусусий шериклик муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришга асосланган ҳамкорлиги саналади. Бундай шериклик обьектига лойиҳалаштириши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкий комплекслар, ижтимоий инфратузилма, шунингдек бу жараёнда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар киради.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида сув ресурсларини бошқариш соҳасида бозор механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш борасидаги қатор вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда республикамизнинг 22 та туманида жойлашган, вазирлик тизимида жами 50 та сув хўжалиги обьектларида давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатаётган «Мелиоратив қурилиш Сирдарё»

МЧЖ томонидан Қўйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги Мелиоратив экспедициянинг 9390 м² бўш ер майдонида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бетон заводи, темир-бетон материаллари ишлаб чиқариш ҳамда техникаларни таъмиrlаш йўлга қўйилмоқда. Умумий қиймати 9 млрд. сўмни ташкил этадиган ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 50 та иш ўрни яратилади⁶.

Бошқача қилиб айтганда, давлат хусусий шериклиги – бу давлатнинг турли миқёсдаги (республика, худудий, маҳаллий) масъул шахслари тимсолида хусусий сектор вакиллари билан муайян лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш шаклидаги ҳамкорлигидир.

Айтайлик, давлат-хусусий шериклик ҳажми ва сони бўйича етакчи ҳисобланган Буюк Британияда лойиҳаларнинг асосий қисми йўл қурилиши соҳасида амалга оширилади. Энг йирик ва машхур лойиҳа Ла-Маншдаги тоннель қурилишидир.

Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатларида давлат-хусусий шериклик асосида транспорт обьектлари қурилади. Варшава (Польша)даги халкаро аэропорт, Франкфурт-Майн шахридаги аэропорт (Рейн-Майн аэропорти) буларга мисол бўлиши мумкин. Уларнинг қурилишида 80% хусусий инвестициялардан фойдаланилган. Дунё амалиётида соғлиқни сақлаш, таълим ва коммунал хўжалик соҳаларида ҳам ижобий ҳамкорлик намуналари жуда кўп.

Шу билан бирга, айнан давлат бу ерда ташаббускор бўлиб чиқади, унинг мақсади эса, иқтисодиётга шахсий инвестициялар-

АННОТАЦИЯ

Маколада давлат харидлари ва давлат-хусусий шериклик институтлари тушунчаси, уларнинг фарқли жиҳатлари ҳар хил ёндашувлар асосида кўриб чиқилган бўлиб, муаллиф давлат харидларининг алоҳидага мазмунини ҳуқуқий тушунча сифатида ўрганганд. Шунингдек, давлат эҳтиёжларини давлат-хусусий шериклик институти фарқловчи жиҳатларнинг зарурияти таҳлил этилган.

Калит сўзлар: давлат эҳтиёжлари, давлат буюртмалари, давлат харидлари, давлат-хусусий шериклик, бюджет муассасалари.

ни жалб этиш, ўзининг тасарруфида бўлган соҳалар инфратузилмасини ривожлантириш. У хусусий бизнес билан ўзаро алоқалар асоси бўлган тамойилларни ҳамда ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг амалга оширилиш механизмларини ҳам белгилаб беради.

Асосан давлат-хусусий шериклик шаклида давлат учун устувор (ёки стратегик муҳим) бўлган энг кўп молия, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларини талаб этувчи энг мураккаб лойиҳалар амалга оширилади. Шу билан бирга ҳар бир давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва макроиқтисодиётнинг бошқа кўрсаткичларидан келиб чиқсан ҳолда давлат-хусусий шериклик йўналишларини мустақил развишда белгилайди.

Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик институти, давлат буюртмалари тушунчасига қараганда, янги институт бўлиб ҳисобланади⁷.

Давлат-хусусий шериклиги билан боғлиқ муносабатларга концессиялар, маҳсулот тақсимотига оид битим, эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонунчиликлар ҳам татбиқ этилиши мумкин, давлат харидлари учун алоҳида ҳуқуқий механизм амал қиласди.

К.В.Кичикнинг фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида давлат буюртмалари давлат иқтисодиётини тартибга солишнинг тежамли воситаси бўлиб ҳисобланади ҳамда оммавий мақсадларга эришишга қаратилган бўлади⁸. Д.А.Петров ҳам ушбу фикрларни кўллаб-кувватлади⁹.

Давлат-хусусий шериклик икки томоннинг ўзаро шерик муносабатларига асосланиб, ҳар бир шерик ўзига фойдали бўлган шартлар асосида муносабатга киришади. Давлат-хусусий шериклик замирида оммавий манфаат мавжуд бўлса-да, хусусий шерик ҳам ўз манфаатларига эга бўлади, яъни инвестор сифатида келгусида қўяётган капиталини кўпайтиришга қаратилган манфаатни кўзлайди. Д.А.Петровнинг фикрича, давлат харидларини ҳуқуқий тар-

тибга солишда хусусий ва оммавий манфаатларнинг мувозанатини таъминлаш лозим. С.Ю.Филиппова¹⁰ давлатнинг давлат харидлари соҳасидаги вазифаларини ҳал қилиш учун етказиб берувчи ва сотиб оловчи давлат эҳтиёжлари учун шартноманинг ижросини таъминлаш орқали кўзланган мақсадига эришганлиги етарли бўлиб ҳисобланади. Бироқ, олимларнинг фикрлари баҳсли бўлиб ҳисобланади, назаримизда давлат буюртмалари, биринчи навбатда, давлатнинг эҳтиёжларини таъминлаш ҳисобланади, бу эса мувозанатни таъминлашни иложсиз қилиб қўяди.

Давлат харидларида давлат тадбиркорлик субъектлари билан бўладиган муносабатларда давлат у билан харажатларни тақсимлашни ёки инвестицияларни бирлаштиришни назарда тутмайди, яъни давлат-хусусий шериклик ўз номи билан шерикликка асосланади¹¹. Давлат харидлари шаклланган институт бўлиб ҳисобланса, давлат хусусий шериклик институти – бозор ҳодисаси, инвестициявий лойиҳа бўлиб ҳисобланади¹².

Россияда суд амалиётида давлат харидлари тўғрисидаги шартномани давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим сифатида баҳолаш ҳолатлари ҳам бўлган. Жумладан, Урал Федерал арбитраж судининг қарорига асосан пурратчи томонидан жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган мебеллар, майший техникалар (совуткичлар, кир ювиш машиналари, телевизорлар ва шу кабилар), ташкилий техникалар (компьютерлар, принтерлар ва шу кабилар), техник ускуналар, автотранспорт воситаларини алмаштириш натижасида ҳосил бўладиган қаттиқ майший чиқиндилар, шунингдек дараҳт ва буталарни кесиши ҳамда агротехник ишлов беришда ҳосил бўладиган чиқиндилар (дараҳт

ва бута шох-шаббалари, кесиш ишлари қолдиқлари, барглар ва бошқалар) ва ўлчамлари бўйича контейнерларга жойлаштиришнинг имкони бўлмаган қурилиш чиқиндиларини тўплаши ва олиб чиқиб кетиши лозим бўлган¹³.

Ўзбекистонда эса, майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиши бўйича хизмат кўрсатиш учун тегишли ҳудудлар хусусий шерикка биритириб берилишига оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Майший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сонли Қарори қабул қилинди. Бу эса, мазкур соҳага оид муносабатлар давлат ҳаридлари тўғрисидаги қонунчилик билан эмас,

балки давлат-хусусий шерикликка оид хуқуқий нормалар татбиқ этилишини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат-хусусий шериклик ва давлат ҳаридлари институтлари бир-биридан мустақил бўлиб, давлат-хусусий шерикликка оид қонун ҳужжатлари нормаларини давлат ҳаридларига тўлиқ татбиқ этиш мумкин эмас.

**М. ҚАЛАНДАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби
«Иқтисодий хуқуқ» кафедраси
мунири, юридик фанлар номзоди**

¹Коженко Я.В. Теоретико-концептуальный анализ дефиниций и соотношений государственно-частного партнерства и государственных закупок Вестник Таганрогского института имени А.П. Чехова/ 2017/-С.225-226

²Белицкая А.В. Правовое регулирование государственно-частного партнерства. — М.: Статут, 2012.

³Попов В.В., Музыка О.А., Коженко Я.В. Социальные трансформации в правовых отношениях // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2017. № 3 - 2. - С. 315 - 318.

⁴Коженко Я.В. Теоретико-концептуальный анализ дефиниций и соотношений государственно-частного партнерства и государственных закупок Вестник Таганрогского института имени А.П. Чехова/ 2017/-С.227-228

⁵В.Килинкаров, Б.Шамсиев и Ф.Камалов, Государственно-частное партнерство: общее понятие и стандарты национального регулирования // www.dentons.com>insights>articles>october>a-ri. Узбекистан // 04.10.2018 года.

⁶Сув хўжалиги соҳасида илк давлат-хусусий шериклик жорий этилмоқда // www.water.gov.uz.

⁷Давлат-хусусий шерикликнинг устун белгилари бўлишига қарамасдан давлат органлари бундай муносабатларга киришишни афзал билишмайди, бу биринчидан мавжуд давлат институтларининг психологияси ва менталитетига боғлиқ бўлса, иккинчидан, юкори даражада сифатни таъминлашга қаратилган мураккаб механизминг мавжудлиги хисобланади // Почему Узбекистану так нужно ГЧП. На примере строительства аэропортов и управления ими //04.05.2020. https://pppd.uz.

⁸Кичик К.В. Государственный (муниципальный) заказ России. Правовые проблемы формирования, размещения и исполнения. М.: Юстицинформ, 2012.- С. 19.

⁹Петров Д.А. Контрактная система в сфере закупок и публичные закупки как способы государственного воздействия на экономику // Конкуренционное право. 2013. № 3. - С. 2 — 5.

¹⁰Филиппова С. Закон о контрактной системе: заключить договор или исполнить обязательство? // Конкуренция и право. 2013. № 4. - С. 24 — 29.

¹¹Global Knowledge Partnership. Multi-Stakeholder Partnerships. IssuePaper [electronicresource]. URL: www.globalknowledge.org.

¹²Контракт жизненного цикла (КЖЦ) — новый механизм ГЧП В России. URL: http://www.vegaslex.ru.

¹³Постановление Федерального арбитражного суда Уральского округа № Ф09-6746/12 по делу № А50-22136/2011.

ИЖРО ЭТУВЧИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

Давлатимиз раҳбари энди ҳар бир ҳудуд раҳбари ўз аравасини ўзи тортиши кераклигини, туман, шаҳар, вилоят ҳокимларни ҳар бир ишда масъулиятни ўз зиммаларига олиши зарурлигини таъкидладилар. Бу эса, ҳудудларда ишларни ташкил этишда янгича ёндашувлар талаб этилаётганини англатади. Мамлакатни ҳар томонлами юксалтиришда давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш талаб этилмоқда.

«Янги давлат бошқаруви», «Самарали давлат бошқаруви», «Янги давлат хизматлари» таълимотларини чуқур ўрганиш, давлатимизнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини инобатга олган ҳолда давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини оширишда улардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Самарали давлат бошқарувида давлат бошқаруви органлари фаолиятини мезонлар асосида баҳолаш асосий талаблардан бири ҳисобланади. Давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолаш методикасининг нақадар оқилона танланганлигига қараб мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

Хозирда турли ҳалқаро ташкилотлар томонидан жаҳоннинг аксарият давлатларида бошқарув органлари фаолияти турли методикаларга асосланган ҳолда баҳолаб борилмоқда. Шулардан бири Жаҳон банкининг GRICS кўрсаткичи бўлиб, у орқали давлат бошқаруви қуидаги кўрсат-

кичлар асосида баҳоланади:

- давлат бошқаруви жараёнида муҳим қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг иштироки (яъни фуқароларнинг овоз бериш имкониятлари);
- давлат бошқаруви органларининг хисобдорлиги;
- сиёсий барқарорлик ва зўравонликнинг йўқлиги;
- қонун хужжатлари сифати;
- қонун устуворлиги;
- коррупцияга қарши курашиш даражаси.

Бугунги кунда GRICS давлат бошқаруви сифатини баҳолашнинг жаҳон давлатлари томонидан тан олинган ҳалқаро методикаси ҳисобланади. GRICS мамлакатларни ўзаро таққослаш учун қулай бўлиб, Мингийиллик ривожланиш жамғармаси маблағларини ажратиш учун асосий мезонлардан ҳисобланади¹.

Ҳалқаро даражада бошқарув самарадорлигини баҳолаш - давлатларнинг бошқарув соҳасидаги вазиятини ўзаро таққослаш имконини берса, миллий ёндашувлар муайян давлатда бошқарув органлари фаолияти сифатини ҳар томонлама баҳолаш вазифасини бажаради. Ҳар бир мамлакат давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолашда ўзининг маълум бир методикасига таянади.

Шу соҳада илмий изланишлар олиб борган И.А.Тихомировнинг фикрича, самарадорликни баҳолаш методологиясини танлашда ҳудудларнинг ҳар хиллигини, ҳудуд раҳбарлари фаолия-

тининг очиқлик, холислик, мустақиллик, ҳудудлар бўйича таққослаш имкониятини инобатга олиш лозим².

Тадқиқотчи В.О.Моисеевнинг фикрига кўра, маҳаллий бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш методологияси асосли, методологик принципга қўйилган талабларга, ўрганилаётган тизимнинг миқдорий, сифатий, статик ва динамик хусусиятларини ҳисоблаш имконияти билан бирга, аниқлик ва ишончлилик жиҳатларига ҳам жавоб берishi керак³.

Баҳолаш методикасини аниқ белгилаб олиш лозим. У ёки бу давлатнинг методикасини тасодифий танламасдан, миллатнинг тарихи, менталитети, ижтимоий-иктисодий ривожланганлик даражаси, фуқаролик жамияти институтларининг шакллангани, ҳалқнинг сиёсий, ҳуқуқий савияси, диний қадриятлар каби омилларни инобатга олиш лозим.

Тадқиқотчи З.Тайлорнинг фикрича, са-

марадорликни баҳолашнинг турли кўришилари мавжуд. Мисол учун, ходимлар хизматидан фойдаланувчиларнинг қониқишини аниқлаш давлат бошқарувида кенг қўлланиладиган амалиётдир. Миллий дараҷадаги давлат бошқаруви самарадорлигини давлат томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини таҳлил қилиш натижасида ҳамда жамоатчиликдан олинган сўров натижасини қиёсий таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин⁴.

Баҳолашнинг самарали усулларидан бири – қиёсий баҳолаш бўлиб, у ахборот тўплаш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва қиёслашдан иборат. Қиёслаш ҳудудларни баҳолашда яхши самара беради, яъни улар бир-бири билан таққосланади. Қиёсий баҳолаш натижалардаги фарқларни аниқлаштириш, улардаги ўзгаришлар тенденцияларини кузатиш, ташкилий масалалар ва самарадорликни таҳлил қилишга имкон беради. Бу орқали уларнинг фаоли-

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада асосий эътибор ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мезонлар асосида баҳолаш тизими жорий этилган давлатлар тажрибасини ўрганишга қаратилган. Шу билан бир қаторда ижро органлари фаолиятини баҳолаш мезонлари ва методикаси бўйича илмий изланишлар олиб борган айрим олимларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган. Давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини мезонлар асосида рейтинг баҳолаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: янги давлат бошқаруви, самарали давлат бошқаруви, янги давлат хизматлари, давлат бошқаруви органлари.

В данной статье основное вниманиеделено изучению опыта государств, где внедрена система оценки деятельности исполнительных органов государственной власти на основе критериев. Вместе с тем, изучены и проанализированы мнения и суждения некоторых ученых, проводивших научные исследования по критериям и методике оценки деятельности исполнительных органов. Основываясь на результатах изучения и анализа выработаны предложения и рекомендации по рейтинговой оценке на основе критериев эффективности деятельности органов государственного управления и местных органов исполнительной власти.

Ключевые слова: новое государственное управление, эффективное государственное управление, новые государственные услуги, органы государственного управления.

This article focuses on explore the experience of countries where a system of criteria-based evaluation of the performance of public authorities has been introduced. In addition, the opinions of some scientists who have conducted research on the criteria and methods of evaluating the activities of executive bodies were studied and analyzed. Based on the results of the study and analysis, some proposals and recommendations were developed to evaluate the effectiveness of public administration and local executive authorities on the basis of criteria.

Key words: new public administration, effective public administration, new public services, public administration authorities.

ятини холис ва оқилона баҳолаш мумкин бўлади.

Шу соҳада илмий изланишлар олиб борган А. Билимбаеванинг фикрига кўра, баҳолаш натижасида давлат органлари фаолиятининг кучли ва заиф томонлари қиёсий шаклда ҳар томонлама таҳлил қилинади. Бу эса, уларнинг кўрсаткичларини яхшилаш имкониятини оширади⁵.

Баҳолашни тизим ривожланган давлатлар тажрибаси мисолида ўрганиш, унинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш, унинг ташкилий-хукуқий асосини яратиш ва тизимни юртимида жорий этиш бугунги қуннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда бу янги тизим давлат ва хукumat раҳбарлари, олимлар, эксперслар ва амалиётчилар томонидан ўрганилмоқда. Илмий жамоатчилик ва амалиётчилар томонидан билдирилган ҳар бир фикрни ўқиб ўрганиш, ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикаси шароитига мос келадиган оптимал ечимни танлаш имконини яратади.

Давлат башқаруви органлари фаолиятини белгиланган мезонлар асосида ўрганиш, таҳлил қилиш, шу билан бир вақтда халқаро тан олинган мезон талаблари билан уйғунлаштириш мамлакат бошқаруви органлари фаолияти шаффоғлигини таъминлаш билан бирга уларнинг натижадорлигини ҳамда тизим ходимлари салоҳиятининг яхшиланишига ҳам хизмат қиласи.

Бизнинг фикримизга кўра, Россия Федерацияси каби хилма-хил ва мураккаб тузилишга эга бўлган давлатларга қараганда, ушбу тизим Ўзбекистон Республикаси учун жуда мос келади.

Самарадорликни баҳолашнинг асосий вазифаси нафақат мамлакатнинг айни вақтдаги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий-хукуқий ҳолатини таҳлил қилиш, балки келажакдаги вазифаларни режалаштириш, узоқ муддатли стратегик режаларни тузиш, муҳим сиёсий қарор қабул қилиш жараёнларини ривожлантиришдан иборат. Баҳолаш жара-

ёнлари норматив-хукуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва муҳим жиҳатларини белгилаб беради. Ҳозирда кўпгина ривожланган давлатларда самарадорликни баҳолаш ва натижадорликни таъминлаш янги давлат бошқаруви назарияси ва амалиётида маъмурий ислоҳотларнинг асосини ташкил этмоқда.

Жаҳон давлатлари тажрибасини ўрганиш давомида ҳар қандай ривожланган давлатда ҳам янги тизимни жорий этиш жараёнида турли қарама-қарши фикр ва мулоҳазалар бўлганини кўрамиз. Ҳусусан, ижро органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими тўғрисида ҳам. Яъни, баҳоланаётган обьектлар сони ва уларнинг фаолияти бир-бирига тўла мос келмаслиги, баҳолаш мезонлари эса барча обьектлар учун бир хил қилиб белгилангани, баҳолаш мезонлари сонининг кўплиги эса турли ҳатоликларга сабаб бўлиши мумкинлиги борасида фикрлар мавжуд. Шу билан бир қаторда тизимнинг қулайликлари тўғрисида кўплаб олимлар ва амалиётчилар томонидан асослантирилган фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

Амалиёт эса, мазкур тартиб жорий этилган давлатларда ривожланиш қузатилганини кўрсатмоқда. Ўрганиш ва илмий изланишлар жараёнида тизим самарали эканлиги, уни юртимида янада самарали бўлиши эса, аввало, унинг ташкилий-хукуқий асосини сифатли ишлаб чиқиб, шундан сўнг амалиётга жорий этилишига боғлиқ деган холоса қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республиксининг бошқарув шакли ва субъектлар сони (вилоят, туман, шаҳар) Россия Федерацияси, АҚШ, Канада каби хилма-хил ва мураккаб эмас. Россия Федерациясида баҳолаш тизими субъектлар сони кўплиги ва бир-бирига ўхшамаслиги сабабли айрим олимлар томонидан танқид ҳам қилинган. Шундай бўлса-да, кейинги йилларда Россия Федерациясида ривожланиш қузатилаётгани, тизимнинг афзалликлари ҳақида кўплаб илмий мақолаларда ва Хукumat йиғилиши муҳока-

маларида эътироф этилмоқда. Ўрганиш жараёнида ҳар қандай жамият, ҳатто энг ривожланган давлатлар тарихида ҳам янги институтларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва қайта шаклланиши муаммосиз кечмаганига гувоҳ бўламиз.

Тизимнинг Ўзбекистон Республикасида жорий этилиши ва унинг самарали бўлиши, албатта, соҳани янада чукур ўрганишни, самарали механизмларини ишлаб чиқишни талаб этади. Амалиёт муайян бошқарув шаклини ўзлаштириш ёки янгисини жорий этиш жараёни аниқ ва мукаммал ишлаб чиқилганига қараб самарали бўлишини кўрсатмоқда.

Айни соҳада илмий изланишлар олиб борган Н.Момуналиеванинг фикрига кўра, давлат бошқаруви органлари самарадорлигини баҳолаш тизимининг жорий этилиши ривожланган Европа давлатларида ҳам муаммосиз кечмаган⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги «Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори қабул килинди.

Қарорда мамлакатда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга кўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, худудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, шу билан бирга худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чукур таҳлил қилишда истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсан ҳолда уларга тезкорлик билан ва лозим даражада жавоб қайтаришнинг ягона мувофиқлаштирилган

механизми йўқлиги тўскинлик қилаётгани қайд этилган.

Шу сабабли, худудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожланишини, табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иктисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек худудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида статистик кўрсаткичлар ва сўровномалар натижалари асосида худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилган ва қуидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

барқарор ва мутаносиб иктисодий тараққиётни таъминлаш, иктисодий ислоҳотлар самарадорлиги;

янги иш ўринлари яратиш, ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминлаш;

ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш;

аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шаротлар яратиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончилигини таъминлаш;

худудларнинг ракобатбардошлик даражасини ошириш, уларнинг иктисодиётини янада диверсификация қилиш;

ишбилармонлик мухити сифатини яхшилаш, тадбиркорликни доимий қўллаб-куватлаш ва жадал ривожлантириш;

худудларнинг молиявий мустақиллигига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлигини ошириш каби мезонлар белгиланган.

Ўрганиш ва таҳлиллар натижалари Америка Кўшма Штатлари, Канада, Россия Федерацияси, Янги Зеландия, Австралия,

Франция, Буюк Британия, Қозоғистон Республикаси каби давлатлар тажрибасини чуқурроқ ўрганиш лозимлигини күрсатади.

Албатта, уларнинг тажрибасини тўғридан-тўғри қабул килиш ўзини оқламайди. Чунки, ҳар бир давлатнинг ўз бошқарув шакли, қолаверса, ҳал этилиши лозим бўлган вазифалари ва уларнинг ечими айнан бир хил эмас. У ёки бу давлатнинг тажрибасини тасодифий танламасдан, давлатчилик тарихи, менталитети, сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий даражаси, ҳалқнинг сиёсий, ҳуқуқий савияси, кадриятлари каби омилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатади.

Давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолаш тизими қуйидагиларга хизмат қиласди:

- қабул қилинаётган норматив-хуқуқий хужжатлар ижросининг самарадорлигини таъминлашга ҳамда ислоҳотлардан қўзланган мақсадларга эришишни янада тезлаштиришга хизмат қиласди;
- мамлакатнинг асосий мақсадларига эришишга қаратилган сиёсатини таъминлайди;
- ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг боришини кузатишни осонлаштиришга, жараёнларнинг очиқ ва ошкоралигини таъ-

¹<https://monographies.ru/ru/book/section?id=8421>.

²Тихомиров И.А. Административное право и процесс: Полный курс. 2-е изд. – М.: 2008. – С. 452.

³Моисеев В.О. Методология анализа и оценки эффективности региональных экономических систем. – Казань: Издательство Казанского университета, 2003. – С. 40.

⁴Taylor. Z Good Governance at the Local Level: Meaning and Measurement. – Toronto, 2016. Pp. 23-28.

⁵Билимбаева А. Оценки управления персоналом. <http://www.bagalau.kz/ru/med/pub/i105>.

⁶Момуналиева Н. Аппарат Правительства Кыргызской Республики ПРООН в Кыргызской Республике «Оценка эффективности деятельности государственных органов в Кыргызской Республике», Методика и практика // Под общей редакцией: Руководителя Аппарата Правительства - министра Кыргызской Республики. 2015. – С. 125.

минлашга ҳамда аниқ хulosалар қилишга замин яратади;

- республиканинг барча худудларини баравар ривожлантиришга хизмат қиласди;

- фаолият самарадорлигини баҳолаш тизими тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг аниқ мақсадларини белгилаб беради;

- баҳолаш тизими кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, уларни рағбатлантириш, хизмат вазифаси бўйича ўстириш ёки йўл кўйилган камчиликлар учун тегишли чора кўриш ва бошқа кадрлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш тартибини такомиллаштиришга амалий замин яратади;

- рейтинг баҳолаш тизими яқин ва узок келажак учун стратегияни белгилаш ҳамда норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш стратегик ва тактик мақсадаларга эришишга ҳамда қабул қилинаётган қарорларнинг сифатини яхшилашга хизмат қиласди;

- баҳолаш тизими худудларни ривожлантириш, давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва давлат хизматларининг сифатини яхшилашга амалий замин яратади.

**Қ. УМИДУЛЛАЕВ,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори**

ЎЗБЕКИСТОНДА НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Демократик хуқуқий давлат қуриш жа-раёнида жамият ҳаётидаги фуқаролик, жиной, маъмурий ва иқтисодий хуқуқий соҳаларда юзага келадиган низоларни са-марали ва тезкор ҳал этишга қаратилган, низоларни ҳал этишнинг муқобил воси-таларидан фойдаланиш тизимини тако-миллаштириш Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичидаги устувор йўна-лишларидан биридир.

Мавзунинг долзарблиги, низоларни судларда, давлат органларида кўриб чиқиш фуқаролик хуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг молиявий, вақт ва ташкилий харажатларини оширади, жамият учун қўшимча харажатларни келтириб чиқаради. Бундан ташкари, бу хар доим ҳам хуқуқий низони ҳал қилишга олиб келмайди.

Шунингдек, низолашувчи томонлар суд қарори ижросини кечикитириш учун қарорни қайта кўриб чиқиш бўйича аризалар билан мурожаат қилишни давом эттири-шади. Бунинг натижасида суд ва ижро ти-зимида мазкур низони ҳал қилиш бўйича сарф-харажатлар ошиб боради. Низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини жо-рий этиш ушбу муаммоларни маълум да-ражада ҳал қилишга ёрдам беради.

Низоларни ҳал қилишнинг муқобил ва-рианти асосан учинчи, яъни бетараф шахс иштирокидаги музокаралар бўлиб, улар то-монлар ўзларининг низоларини имкон қа-дар фойдали ва самарали ҳал қилишларини исташади. Низоларни ҳал қилишнинг муқо-бил усуллари асосан ҳамкорлик йўналишла-ри бўйича музокараларга асосланади.

Низолашувчи томонлар асосан қуйида-ги холатларда низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларидан фойдаланишади:

- томонлар келажакда бизнес ёки шах-сий муносабатларни давом эттиришни ре-жалаштиришганда;

- томонлар ўзларининг тадбиркорлик обрўларини сақлаб қолиш мақсадида мав-жуд низони оммавий равиша кўриб чиқи-лишидан манфаатдор бўлмайдилар ва уни сир сақлашни истайдилар;

- томонлар ишни кўриб чиқишининг узоқ давом этиши, уни кўриб чиқиш би-лан боғлиқ харажатлар ва натижанинг ол-диндан айтиб бўлмаслиги сабабли низони кўриб чиқиши судга топширишни иста-майдилар.

Айни пайтда бутун дунёда хуқуқий низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулла-ридан фойдаланиш (ADR) амалиёти мав-жуд. Улар расмий судловга, давлат суд тизимида муқобил сифатида ҳаракат қила-дилар. Фуқаролик хуқуқий муносабатлар-нинг турли соҳаларида ушбу процедураларнинг тобора оммалашиб бориши ушбу муқобил процедураларнинг хилма-хил усуллари мавжуд бўлишига олиб келди.

Қисқача қилиб хуқуқий низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини гу-рухларга ажратадиган бўлсак, дунё амали-ётида улар икки турга бўлиб ўрганилади. Булар асосий усуллар ва аралаш усуллар ҳисобланади.

Асосий муқобил усулларга қуйидаги-лар киради:

музокаралар (negotiation) - низони тўғридан-тўғри тарафлар томонидан бошқа шахсларнинг иштирокисиз ҳал қилиш;

медиация (mediation) - бу низони мустақил, бетараф медиатор орқали ҳал этишни англатади, бу томонларга келишувга ёрдам беради;

ҳакамлик суди (arbitration) - низони

мустақил, нейтрал шахс - тарафлар учун мажбурий бўлган қарор қабул қилиш хуқуқига эга бўлган ҳакам (ёки ҳакамлик суди гурухи) ёрдамида ҳал қилиш.

Музокаралар, медиация, ҳакамлик суди бир-биридан низоларни ҳал қилишда иштирок этувчи учинчи шахс ва унинг ваколатларида фарқланади. Мазкур учта асосий усул бошқа аралаш усулларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шунга кўра, асосий усулларнинг компонентлари ўзаро қўшилиш орқали низоларни муқобил ҳал қилишнинг аралаш усулларини ҳосил қиласди. Буларга мисол учун қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

медиация-ҳакамлик суди (mediation-arbitration ёки med-arb), агар томонлар келишувга эриша олмаса, низони арбитраж орқали ҳал қилиш ваколатига эга бўлган ҳакамлик суди судьяси ёрдамида низони ҳал қилишни англатади;

мини-суд (mini-trial) - тижорат низола-

рини ҳал қилишда кенг қўлланилади, бунда суд жараёнига корпорация раҳбарлари, адвокатлар ва учинчи мустақил шахслар раҳбарлик қилишади;

ишининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун мустақил экспертиза ўтказиш (neutral expert fact-finding) - томонларнинг ишни таркибий тузилиши нуқтаи назаридан ўрганган малакали мутахассиснинг хulosаси асосида келишувга эришиш тартиби;

омбудсман (ombudsman) - манфаатдор томонларнинг шикоятлари бўйича ишининг ҳолатларини ўрганаётган расмий ваколатли шахс томонидан давлат органлари ва хусусий ташкилотлар фаолиятидаги камчиликлар билан боғлиқ низоларни ҳал этиш;

хусусий суд тизими (private court system) ёки судья ижараси (rent-a-judge) – нафақадаги собиқ судьялар иштирокида низони кўриб чиқиш, бунда суд харажатлари катта микдорда бўлади ва судьялар чиқарган

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари тушунчаси, турлари, улардан фойдаланишнинг аҳамияти, ҳозирги кунда низоларни муқобил ҳал қилиш амалиётини кенг жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритилаётган ўзгаришлар ўрганилган.

Калит сўзлар: низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари, музокаралар, медиация, ҳакамлик суди, мини-суд, ишининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун мустақил экспертиза ўтказиш, хусусий суд тизими, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўргасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгаси.

* * *

В данной статье исследуются понятие, виды альтернативных методов разрешения споров, важность их использования, изменения в законодательстве Республики Узбекистан о широком распространении практики альтернативного разрешения споров.

Ключевые слова: альтернативные методы разрешения споров, переговоры, медиация, арбитраж, мини-суд, независимая экспертиза для выяснения обстоятельств дела, частная судебная система, апелляционный совет по досудебному урегулированию споров между физическими и юридическими лицами и государственными органами.

* * *

This article examines the concept, types of alternative dispute resolution methods, the importance of their usage, reforms in the legislation of the Republic of Uzbekistan for wide spreading alternative dispute resolution into the practice.

Key words: alternative dispute resolution, negotiation, mediation, arbitration, mini-trial, neutral expert fact-finding, private court system, Appeal Board for pre-trial settlement of disputes between individuals and legal entities and government bodies.

қарор мажбурий кучга эга бўлади.

Хорижий амалиёт шуни кўрсатадики, муқобил усуслар низоларни ҳал қилишга қаратилган бўлади. Низони муайян босқичларда тугатиш тўғрисида қарор томонларнинг ўзлари томонидан қабул қилинади. Асосий вазифа - томонлар ўртасида ўзаро тушунишни таъминлаш ва уларни муросага келтириш ҳисобланади.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда низоларнинг муқобил ҳал қилиш усусларининг хуқуқий асослари яратилган бўлиб, жумладан, ҳакамлик судлари ва медиация тўғрисида маҳсус қонунлар қабул қилинган. Ушбу қонунлар орқали ҳакамлик судлари, медиаторлар фаолияти тўлиқ тартибга солиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, республикамида давлат органларининг ахоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар хуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш мақсадида республикамиз қонунчилигига тубдан ўзгартиришлар киритилмоқда ва янги қонунлар қабул қилинмоқда.

Бундай норматив-хуқуқий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 июндаги Қарори ҳисобланади.

Мазкур Қарор билан қонунчиликка бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси ва Фуқаролик

процессуал кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини ёки низони ҳал қилишнинг муқобил усуслари эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг хуқуқий оқибатларини тушунтириб беради.

Шунингдек, Давлат божхона қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органдари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашлари эксперимент тариқасида ташкил этиладиган бўлди.

Апелляция кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди: жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органдари ўртасида юзага келадиган низоларни судгача кўриб чиқиш ва хулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини кўриш; мурожаатни кўриб чиқиша қонун ҳужжатида турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўриш; мурожаатни кўриб чиқиша аниқланган қонун ҳужжатларида бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш.

Бундан ташқари, мазкур Қарор билан медиация ва низоларни муқобил усульда ҳал этиш усусларини ҳаётга кенг жорий этиш мақсадида Медиация маркази ташкил этилди.

Ф. МАЛИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Халқаро-хуқуқий бўлими бошлиғи

СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Жамият ҳаётининг турли соҳаларида ҳуқуқбузарликлар турларининг ва уларнинг содир этилишининг юқори даражаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янада такомиллаштиришни, унинг қамровини кенгайтиришни тақозо этади.

Ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни зудлик билан аниқлаш ва бартараф этишининг кечиктириб бўлмайдиган чораларини кўриш ҳар қандай давлатнинг устувор вазифаси ҳисобланади.

Шу муносабат билан 2014 йил 10 майда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Конуни қабул қилинган.

Конуннинг вазифаси жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни содир этилишининг сабаблари ва уларга имкон беряётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишнинг тизимли жараёнини тартибга солиш ҳисобланади.

Конунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тушунчаси, асосий вазифалари, асосий принциплари, турлари, амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва маҳсус профилактикаси ҳамда чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Конуннинг 4-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бир нечта асосий вазифалари белгиланган бўлиб, улардан суд-экспертиза муассасалари учун аҳамиятлиси ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон беряётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, баратараф этиш чора-тадбирларини кўриш ҳисобланади.

Конунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари сифатида қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, ишонтириш усулининг устуворлиги, таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш белгиланган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика турларига бўлинади.

Конуннинг 7-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида Вазирлар Маҳкамасининг, 8-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, 9-моддасида эса ҳуқуқбузарлик профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура органлари, Давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати органлари, Миллий гвардияси органлари, Адлия органлари, Давлат божхона хизмати органлари, Давлат солик хизмати органлари, Меҳнат органлари, Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари) тизими белгиланган ва ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши назарда тутилган.

Шунингдек, Конуннинг 13-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида бевосита Адлия органларининг ваколатлари белгиланган. Бунга кўра, Адлия органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок эти-

ши, тасдиқлаши, хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаши ва бартараф этиш чораларини кўриши, аҳоли ўртасида жамиятда хукукий онгни, хукукий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган хукукий тарғибот фаолиятини амалга ошириши ҳамда мувофиқлаштириб бориши, хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши, хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши кўрсатилган.

Бирок, суд-экспертиза муассасалари ва суд эксперлари томонидан хукуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши фаолияти бевосита қонун хужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилмаган бўлса-да, шу билан бир қаторда суд-экспертиза муассасалари ва суд эксперлари томонидан профилактик фаолияти амалга ошириши ёки ушбу жараёнларда иштирок этишлари инкор этилмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 184-моддасида эксперт ёки эксперталар комиссияси эксперт текширувларини ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд эксперталар комиссияси таркибига киравчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузиши, хулосасида иш учун аҳамиятга молик бўлган ва экспертнинг ташаббусига кўра аникланган ҳолатлар, шунингдек содир этилган хукуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилиши мумкин дейилган.

Суд эксперталарининг хукуқбузарликлар профилактикаси фаолияти деганда хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тушунилади.

Қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суд эксперталари томонидан амалга ошириладиган хукуқбузарликлар профилактикасининг асо-

сий мақсади – жиноят содир этилишининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлари аниқлашга, уларни бартараф этишга ва келгусида олдини олишга қаратилган таклифлар, чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат деб баҳоланмоғи керак.

Амалиётда суд экспертининг маҳсус билимларидан фойдаланиш хукуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг бошқа шакллари билан бир қаторда жиноятларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш, тергов қилиш ва очишни сезиларли даражада оширади.

Суд эксперталарининг профилактик фаолияти экспертиза ўтказиш жараёнида ижтимоий хавфли қилмишларни содир этиш учун сабаб ва шарт шароитларни ўрганиш ва аниқлашда намоён бўлади.

Шунингдек, суд эксперлари томонидан экспертиза ўтказиш жараёнида аникланган маълумотлардан фуқаролик, жиноий, маъмурий хукуқбузарликлар содир этилиши ва иктисодий низоларни юзага келишини олдини олиш бўйича профилактика ишларини самарали олиб бориш учун фойдаланиш мумкин. Шубҳасиз, ушбу жараёнларда тажрибадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш профилактика тадбирларининг самардорлигини оширади.

Амалиётдан маълумки, эксперт билимларидан фойдаланган ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни ўтказиш асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази таркибидаги суд эксперталарининг ҳиссаси салмоқлидир.

Суд экспертизаси ўтказишда аникланган ҳолатлар бўйича профилактик тадбирлар турли ноқонуний хатти-харакатлар билан боғлиқ бўлган ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қиласи.

Суд экспертининг хукуқбузарликлар профилактикаси фаолияти процессуал ва нопроцессуал шаклда амалга оширилади.

Суд эксперти процессуал шаклда ўз функ-

циясини икки йўналишда, яъни тергов ҳаракатларида мутахассис сифатида иштирок этиш ва бевосита муайян бир иш бўйича шахсан ўзи экспертиза ўтказиш жараёнида амалга оширади.

Биринчи йўналишда суд экспертининг бу функцияси дастлабки тергов ҳаракатлари жараёнида, яъни воқеа жойини кўздан кечириш ёки тергов эксперименти ўтказиш вақтида амалга оширилиши мумкин.

Масалан, кўздан кечириш вақтида шахс томонидан ўғирлик қилиш сабаблари ва ушбу жиноятни содир этиш учун имконият берган шарт-шароитлар ёки бошқа ҳолатлар (кулф ёки бошқа жиҳозларнинг конструкциияси ва ҳ.к.)ни аниқлаш ёки содир этилишига тўсқинлик қилувчи қандай чоралар белгиланишига эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Бунда, суд эксперти ўзининг маҳсус билимларидан фойдаланган ҳолда процессуал қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасида ҳаракат қилиши керак.

Суд эксперлари ушбу фаолиятни тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларда мутахассис сифатида қатнашиш жараёнида, шунингдек экспертизалар ва тадқиқотларни тайинлаган шахс (орган) кўрсатмаси билан ёки суд экспертининг ўз ташаббусига кўра амалга ошириши мумкин.

Бундай ҳолларда суд эксперти тергов организми қизиқтирган масалалар бўйича ўз фикрларини билдиради ёки экспертиза ўтказишида экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган масалалар доирасидан ташқарига чиқадиган далилларни аниқлайди.

Шу сабабли, суд эксперлари ҳар қандай хуқуқбузарликлар ва жиноят содир этилишининг сабаби ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш учун профилактик тадбирларда турли воситаларни кўллаш шакллари ва усулларини билиши керак.

Бироқ, суд экспертининг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан профилактик таклифлар ишлаб чиқиш бўйича имконияти маҳсус билимлар ва унга муайян иш бўйича тақдим этилган материаллар чегарасида чекланган бўлади.

Бундай ҳолатда суд эксперти тадқиқот учун

унга тақдим этилган материаллар, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да кўрсатилмаган масалаларни ҳал қилишга имкон беринини аниқласа, у экспертиза тайинлаган шахс (орган)ни хабардор қилиши лозим. Натижада, суд экспертининг фикрларига экспертиза тайинлаган шахс (орган) рози бўлса, у суд экспертига янги ҳужжатлар (материаллар) тақдим этиши, қўшимча маълумотлар берини ёки экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)га янги саволлар қўшиб берини мумкин.

Суд эксперти томонидан экспертиза тадқиқотларини ўтказиш жараёнида аниқланган ҳолатларни, хуқуқбузарлик содир этишининг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни эксперт экспертиза хulosасида кўрсатиши мумкин. Агар тактик сабабларга кўра, бундай маълумотларни хulosса матнинг қўшиб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас деб хисобланса, унда тадқиқотлар натижасида аниқланган ҳолатлар хulosага изоҳ сифатида берини ёки экспертиза хulosаси жўнатма хатида акс эттирилиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш жараёнида аниқланган ҳолатлар бўйича ишлаб чиқилган профилактик тавсия ва таклифлар факат экспертиза тайинлаган шахс (орган)га юбориши керак. Бундай профилактик тавсия ва таклифлар эксперт хulosasining ажралмас қисмидир, шунинг учун экспертиза тайинлаган шахс (орган) томонидан муайян иш бўйича тўпланган бошқа ҳужжатлар билан биргаликда баҳоланиши керак.

Суд экспертининг хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг нопроцессуал шакли – процессуал шаклдаги фаолиятдан шуниси билан фарқ қиласиди, фаолиятнинг ушбу тури амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган бўлса-да, бироқ вазирлик ва идораларнинг ички меъёрий-хуқукий ҳужжатларида белгиланиши мумкин.

Суд экспертининг нопроцессуал профилактик фаолиятнинг қўйидаги умумий йўналишларини таъкидлаш мумкин.

- маълумот-маслаҳат фаолияти;
- экспертлик амалиётини умумлаштириш;
- профилактик таклифларни

ишлиб чиқиш;

- хуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш;

- оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот – ташвиқот қилиш, шунингдек ахоли ўртасида чиқишлар қилиш;

- айрим тоифадаги мансабдор шахслар учун семинар машғулотлари ўтказиш (масалан, қалбаки ҳужжатларнинг кўп учраётганилиги мавзусида муносабати билан банк ходимлари, нотариуслар, ижтимоий таъминот органлари ходимлари билан).

Суд экспертинынг профилактик фаолияти амалда самарали бўлиши учун қуйидагиларга эътибор қартиш зарур:

- фан, техника, санъат ёки хунар соҳасидаги маҳсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хulosса бериш учун зарурат бўлганда, нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан тадқиқот ўтказиш амалиётини янада кенгайтириш;

- эксперт хulosасининг тузилишини ўзгартириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш, жиноий қилмишни баҳолашга ёрдам бермайдиган, аксинча ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки жиноят содир этишга мойиллиги кучли айрим нопок шахсларнинг ундан салбий намуна олиши мумкин бўлган жиҳатларини чиқариб ташлаш масаласини кўриб чиқиш;

- манбаатдор органларнинг раҳбарларини тергов ва экспертлик амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш якунлари бўйича ишлиб чиқилган профилактик тавсия ҳамда таклифлар, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш;

- профилактик тавсия ва таклифларни экспертиза тайинлаган орган ходимлари билан биргаликда ишлиб чиқиши кенгайтириш (масалан, йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекциялари, назорат-тафтиш органлари фаолиятида ҳужжатларни текшириш учун криминалистик-техник воситалардан фойдаланиш тўғрисида);

- терговчи (тезкор ходим) томонидан суд эксперти тақдим этган профилактик

тавсия ёки таклифлардан фойдаланганлиги тўғрисида маълумот олиш мақсадида ўзаро алоқани йўлга қўйиш (бундай маълумотлар суд экспертини маънавий рағбатлантиришга ва хизматларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат килади).

Ҳар бир муайян жиноий, маъмурий ёки фуқаровий ишни ўрганишнинг маълум чегараси мавжуд. Шу сабабли, ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш вазифаси, унга тегишли бўлмаган профилактик хусусиятга эга бошқа ҳолатларни аниқлаш вазифаси билан алмаштирилиши мумкин эмас.

Суд экспертинынг профилактик фаолиятининг асосий муаммоси – бу ушбу фаолият ҳуқуқий жиҳатдан қонуний асослар билан тартибга солинмаганлигидир. Натижада, суд экспертинынг ушбу фаолияти кўпроқ ихтиёрийликни ифодалайди ва суд экспертинынг касбий фазилатларига, фуқаролик бурчини ҳис этиш даражасига ва бошқаларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Хulosса ўрнида шуни таъкидлаш лозими, ушбу фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан асослантириш учун «Суд экспертизаси тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уларда суд эксперталари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тушунчасини очиб берадиган ва суд экспертилик профилактикасининг предметини, шунингдек суд эксперталарига жиноий бўлмаган ижтимоий хавфли ҳодисаларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш мажбуриятини юклайдиган қатор қоидаларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз.

**У. ЭРНАЗАРОВ,
Х. Сулаймонова номидаги Республика
суд экспертизаси маркази
Суд эксперталарининг малакасини
ошириш ўқув маркази мудири**